

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

VATANPARVAR

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2023-yil 16-iyun, №24 (3034)



BIZ
HAQIMIZDA

@ vatanparvar-bt@umail.uz

facebook.com/mudofaavazirligi

t.me/mv_vatanparvar_uz

instagram.com/mudofaavazirligi

t.me/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

IJTIMOIIY-SIYOSIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIY-VA... LIK GAZETASI

“KALIBR” KLUBIDAN ILK QADAM

Qatnashuvchilar avtomat va merganlik miltig'idan 200, 300 va 500 metr masofadagi nishonlarni yo'q qilish bo'yicha o'zaro bellashdi.

6

KURSANTLIKDAGI SHARAFLI MAS'ULIYAT

Vatan himoyachisining mas'uliyatini ta'riflamasak ham ko'pchilikka ma'lum. Biz ushbu kichik maqolamizda oliy harbiy ta'lim muassasalari kursantlari haqida to'xtalmoqchimiz.

12-13



RASHITOV YANA G'OLIB, RAFALOVICH ESA...

18

Goh

burgut,
ovchi,
sharpa

HARBIYLAR

НУРЛИ КЕЛАЖАК УЧУН БЕРИЛАЖАК



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод сифатида тасдиқлади. Сайловда Президентликка номзод сифатида иштирок этувчилар тўлиқ маълум бўлди. Бугун шу воқеликдан – айнан ана шу номзодлар орасидан бирини танлаш имконимиз, яъни фуқаролик ҳуқуқимиздан келиб чиқиб, айтаманки, уларни таққослаганда Шавкат Миромонович Мирзиёев қатор кўрсаткич ва фазилатлари, тажрибаси ва мақсад сари қатъияти билан афзалликка эгадир.



Сайловда иштирок этаётган томонларнинг реал салоҳиятидан келиб чиқиб, кимгадир овоз берадиган инсоннинг ўз сабаблари бўлади. Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастурида 5 та энг асосий йўналишга эътибор қаратишини таъкидлади.

1-мақсад: таълим йўналиши

Дунёдаги Top–500 га қирадиган чет эл олийгоҳлари билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма ўқув дастури ва «икки дипломли тизим» жорий этилади. Бундан ташқари, биотехнология, сунъий интеллект ва бошқа юқори технологик йўналишларда йилига 500 нафар истеъдодли ёш энг нуфузли хорижий олийгоҳларга давлат ҳисобидан ўқишга юборилади.

Бунинг учун 200 миллион доллар йўналтирилади. Келгуси етти йилда илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш учун 1 миллиард доллар ажратилади.

«Биз ҳурматли профессор ва академиклар, илмий тадқиқотлар олиб бораётган магистр ва аспирантлар, олийгоҳлар ўқитувчи ва домлалари, бир сўз билан айтганда, заҳматкаш илмий ва ижодкор зиёлиларимиз Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшаётганини юксак қадрлаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасига миннатдорчилик билдириб, самимий ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман», дейди Шавкат Мирзиёев.

Энди ўтган қисқа вақт ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ёшлар ва таълим жараёнида бўлган мисли кўрилмаган ўзгаришларнинг бир қанчасини санаб ўтсак тўғри бўлади, деб ҳисоблаймиз. 2016–2021 йилларда ёшлар сиёсатига доир 5 та қонун ва 55 та қонуности ҳужжати қабул қилинди. 2016 йилда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунда ёшларга оид давлат сиёсати ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ҳамда уларнинг интеллектуал, ижо-

дий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини юзага чиқариш учун шароитлар яратишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланиб, амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар қонун билан мустаҳкамланди.

Ушбу қонунда белгиланган вазифалар ижроси доирасида қатор ишлар амалга оширилди. Мазкур ишлар натижасида 841 147 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. 2021 йилнинг биринчи ярмида 78 140 нафар ёш ишга жойлаштирилган бўлиб, 5 684 нафар ёшга субсидиялар ажратилди, ижтимоий ҳимояга муҳтож 127 нафар талабанинг 350 миллион сўмлик тўлов шартнома маблағлари тўлаб берилди.

Ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ташаббусини молиялаштириш мақсадида 2018 йилдан бошлаб ҳудудларда 25 та «Ёш тадбиркорлар» коворкинг маркази ва 157 та «Ёшлар меҳнат гузари» комплекси фаолият бошлади. «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури доирасида республиканинг туман ва шаҳарларида амалга оширилаётган тадбирларни молиялаштириш амалиёти йўлга қўйилди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни тарғиб қилиш ва рўёбга чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ғояни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида «5 ташаббус лойиҳа офиси» фаолияти йўлга қўйилди. Тегишли лойиҳалар, жумладан, «Спорт карвони», «Бир миллион дастурчи», «Энг яхши китобхон оила» каби лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Турли соҳаларда самарали фаолият юритаётган, юқори натижаларга эришиб, тенгдошларига ўрناк бўлаётган йигит-қизларни рағбатлантириш мақсадида «Мард ўғлон» давлат мукофоти ва «Келажақ бунёдкори» медали таъсис этилди. Ўтган вақт давомида 113 нафар ёш «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан, 75 нафари

эса «Келажақ бунёдкори» медали билан мукофотланди.

Сўнгги йилларда таълим-тарбия соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Тизим тубдан ислоҳ қилинди. Мазкур соҳада ёшлар манфаатларини кўзлаб кўплаб ўзгаришлар амалга оширилди.

Биринчидан, мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактаблари фаолияти тубдан янгиланди. Ўтган беш йил давомида кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси икки баробар ортиб, 60 фоизга етди. Бугунги кунда боғчалар сони 14 мингдан ошди. Дарс сифатини ошириш мақсадида бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига устама ҳақ тўлаш тизими жорий этилди.

Иккинчидан, ёшларнинг олий таълимга қамрови оширилди. 2016 йилда мамлакатимизда 65 та олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, 2021 йилда республикадаги жами олий таълим муассасалари сони икки баробардан кўпроққа ортиб, 127 тага етди.

Учинчидан, таълим тизимидаги давлат сиёсати такомиллаштирилди. Таълим соҳасини тубдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Ёшларимизнинг нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида таълим олиши ва илмий тадқиқот фаолиятини олиб боришини таъминлаш мақсадида «Эл-юрт умиди» жамғармаси тузилиб, хорижда бакалаврият, магистратура ва докторантурада ўқиш учун стипендиялар ажратилди. 2018–2020 йилларда мазкур жамғарма томонидан 54 нафари хорижда магистратурага, 42 нафари докторантурага, 191 нафари стажировкага, 698 нафари эса малака оширишга юборилган. 2021 йилда жамғарма томонидан бакалавриятга 69 та, магистратурага 112 та, докторантурага 91 та ўрин ажратилган.

Дунёнинг энг нуфузли университет ва илмий марказларида таълим олган, инновацион компанияларда стажировка ўтаган етук билим ва малакага эга бўлган, ўз Ватани равнақи йўлида тинимсиз меҳнат қилишга тайёр кадрлар албатта мамлакат ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси ҳам мамлакатимизнинг ташқи ва ички сиёсати параметрларини белгилайдиган, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар дастуриламали бўлди. Давлатимиз раҳбари келгуси йиллардаги устувор вазифалар, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти мезонларини, долзарб йўналишларини кўрсатди. Янги Ўзбекистон келажагини қуриш, обод ва барқарор жамият барпо этишнинг стратегик йўналишлари, баркамол авлодни тарбиялашнинг маънавий аҳамияти, аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

Келажагимиз порлоқ бўлиши учун бугундан ҳаракатларни давом эттириб, жиддий ислохотларни амалга ошириш, тарбиявий жиҳатларга янада кўпроқ аҳамият беришимиз мақсадга мувофиқ. «Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда», деди Президентимиз. Тарих зарварақларига ёзиладиган гаплар. Йиллар давомида ўз мазмун-моҳияти, долзарблигини йўқотмайдиган шиор. Аждодлар илмий мероси бўлган беқиёс асарларни, халқимизнинг азалий қадриятлари, ислом тафаккури билан зийнатланган маънавийтини чуқур ўрганиш, ўргатиш, маърифатли жамият қуриш бугунги кун маънавий-маърифий, таълим-тарбия соҳаларининг устувор вазифасига айланиб улгурганини англашимиз лозим.

Зоирхўжа ЎЛМАСХЎЖАЕВ,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти илмий
ходими, сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори



МУЗАФФАР МЕРГАНЛАР ҚУТЛАНДИ

Туркиянинг Испарта шаҳридаги «Командо» тоғ-ўқув машқлар марказида ўтказилган «Энг илғор мерган» халқаро мусобақасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг мерганлар жамоаси муносиб қатнашиб, ишончли ғалабани қўлга киритди.

Қарийб 10 кун давом этган «Энг илғор мерган» халқаро мусобақаси якунида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари фахрли 2-ўринни қўлга киритди. Шохсупанинг биринчи ва учинчи ўринлари мезбон давлат вакилларига насиб қилди.

равишда янгидан ташкил этилиб, ўқув-моддий базаси замонавий воситалар билан таъминлангани, илк бор Мерганлар тайёргарлигини ривожлантириш бўйича концепция ишлаб чиқилгани қайд этилди.

Ўтган йили Вьетнамда ўтказилган армия ўйинларида мерганларимиз 11 та давлатдан келган жамоалар ўртасида 2-ўринни қўлган киритган эди. Бу йил Туркияда ўтказилган халқаро мусобақада ҳам шода-шоода медаллар қўлга киритилди.

Тадбирда мудофаа вазири мусобақа иштирокчиларига қимматбаҳо ва эсдалик совғалар топширди. Шунингдек, соврин эгалари «Махсус операция кучлари аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.



Испания, Покистон, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари сингари дунёнинг 13 давлатидан 42 та жамоа иштирок этган ушбу беллашувда Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг икки жамоаси мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Мусобақа қатнашчилари 5 та гуруҳга бўлиниб, бир-биридан мураккаб бўлган 14 та шарт бўйича баҳс олиб борди. Ҳамюртларимиз бу шартларнинг аксариятида рекорд натижа қайд этди. Хусусан, «Узоқ масофадан нишонларни излаб топиш ва яқсон қилиш» шartiда мерганлар 2 минг метр масофада жойлашган шартли душман гуруҳи

орасидан асосий нишонни аниқлаб, биринчи уринишда уни тор-мор этди. Ҳарбийларимиз нишонни муддатидан олдин яқсон этиб, нималарга қодир эканини халқаро майдонда яна бир бор исботлади.

Азамат ва чапдаст ўғлонларимиз мазкур нуфузли беллашувнинг «Қайиқдан ва миноралардан ўқ отиб, оролни ҳимоя қилиш», «Вертолёт ва ердан жанг олиб бориб, ярадорни эвакуация қилиш» шартларида ҳам барча рақибларини ортда қолдиришга муваффақ бўлди. «Ҳаракатланувчи нишонларни пистолетда яқсон этиш», «Тунги вақтда магнит азимути бўйича ҳаракатланиш» каби шартлар реал жанг вазиятига яқинлаштирилган ҳолда олиб борилди. Юртимиз вакиллари «Тоғ тепасидан қияликка қараб жанг олиб бориш», «Зарарланган ҳудудда газниқоб тақиб, нишонларни мўлжалга олиш» шартларида рекорд натижаларни қайд этишди.

Матонатли ўғлонларимиз Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди. Улар Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, Қуролли Кучлар фахрийлари, оила аъзолари, сафдошлари иштирокида ҳарбий оркестр садолари остида қутланди.

Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида музаффар мерганларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Тадбирда мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов мамлакатимизда Президентимиз томонидан ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва профессионал тайёргарлик сифатини ошириш учун муносиб шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бу ўзининг сезиларли натижасини кўрсатаётганини таъкидлади. Қўшинларда мерган мутахассисларни тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида Мерганлар тайёрлаш маркази халқаро талабларга мос

– Ушбу эътибор ва рағбат профессионал мерганларга бўлган ишонч ва эҳтиром белгисидир, – дейди Мудофаа вазирлиги Мерганлар тайёрлаш маркази бошлиғи майор Шаҳбоз Эшонқулов. – Бундай халқаро мусобақаларда иштирок этиш, ҳарбийларнинг ўзаро билим ва тажриба алмашишида муҳим ўрин тутди. Шунингдек, мерганлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, касбий маҳорат, жанговар тайёргарликни оширишга хизмат қилади. Келгусида ушбу натижалар билан тўхтаб қолмай, юксак профессионал маҳорат, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, жаҳон ареналарида юртимиз байроғини янада юксакка кўтарамиз.

**Катта лейтенант
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**

МУРАККАБ МАШҚЛАР

МУКАММАЛ АДО ЭТИЛДИ

Бир неча километр баландликка кўтарилишу само кенгликлари узра парвоз этиш ёқимли, албатта.

Мана бу ерлар сенинг Ватанинг, унинг бағрида оиланг, яқинларинг борлиги, улар тинчлигини сақлаш эса зиммангдаги вазифа эканини ҳис этиш кишига янада улкан масъулият юклайди.



Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли Хонобод аэродромида кўкда парвоз этувчи ана шундай само лочинларининг касбий маҳоратини янада ошириш, турли топшириқ ва вазифалар ўз ўрнида сифатли адо этилишини таъминлаш мақсадида амалий парвоз машғулоти мунтазам ўтказиб келинади.

Ўқув йили режасига кўра, навбатдаги амалий машғулотлар олдидан ҳам учиб аппаратларини парвозга тайёрлаш жараёнларига жиддий киришилди. Бунда малакали авиация муҳандислари ҳарбий самолётларни обдан кўриқдан ўтказди.

Айтиш керакки, қуруқликдаги қўшинларни кўкдан қўллаб-қувватлаш, қўшин ва моддий воситаларни ҳаво орқали ташиш, душманнинг само ва қуруқликдаги қў-

шинларини яқсон қилишда авиация алоҳида ўрин тутади.

Учиш олди кўрсатма бериш хонасида эса авиация муҳандислари, парвозларни бошқариш гуруҳи, ҳарбий учувчилар ва парвозга масъул шахслар иштирокида йиғин ўтказилиб, ҳар бир мутахассиснинг йўналишлар бўйича ҳисоботи тингланди. Сўнгра машғулоти раҳбари томонидан амалий учибларга рухсат берилди.

Ҳарбий самолётлар бирин-кетин само кенгликлари томон йўл олди. Парвоз вақтида учиб аппаратларининг ўзига хос манёври, жанговар вазифаси бор. Бу галги машқлар аввалгиларидан мутлақо фарқ қилади. Чунки бунда ҳарбий учувчилар бир неча километр баландликда мураккаб машқларни бажаради. Ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлик даражаси, билими, жанговар шайлигини янада юксалтириш, турли вазиятларда но-

стандарт қарорлар қабул қила олиш қобилиятини ошириш мақсадида ташкил этилган амалий парвоз машғулотида учувчилар ўзларининг қанчалик тайёргарликка эга эканликларини намоён этди.

Белгиланган вақт мобайнида барча топшириқлар мукамал адо этилди. Само лочинлари кўниш йўлаги бўйлаб дастлабки манзилга қайтиб келди.

Таъкидлаш жоиз, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигида ҳам шахсий таркибининг билим ва маҳоратини оширишга, жанговар шайлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунини ушбу парвоз машқлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Машғулотлар давомида юрт ҳимоячиларининг билим ва кўникмалари яна бир бор синовдан ўтказилиб, тажрибалари янада оширилди.



НАЗАРИЯ

АМАЛИЁТ БИЛАН УЙҒУНЛАШСА...

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ «Муборак» умумқўшин полигонида ўтказилган навбатдаги амалий машғулотларда танкчилар маҳорати синовдан ўтди.

Албатта, зирҳли техникаларни бошқариш ҳарбий хизматчидан ўзига хос маҳорат талаб этади. Бу танк мутахассислари учун эса асло қийинчилик туғдирмайди. Ўқув йили режасига кўра, дастлаб оғир жанговар техникалар муҳандислар кўригидан ўтказилиб, ҳар бир жиҳозу кичик деталгача алоҳида эътибор қаратилди. Чунки ҳаракат вақтида турли тўсиқлардан, пасту баландликлардан қийинчиликларсиз ўтиш, топшириқларни ўз вақтида уддалашда бу жараёнлар муҳим аҳамиятга эга.

Экипаж таркибига юқори қўмондонликдан зирҳли техникаларни ҳаракатга келтириш бўйича буйруқ келиб тушди. Амалий машғулотга киришган ўғлонлар бирин-кетин зиммасига юклатилган вазифалар ижросига киришди.

Сунъий тўсиқлардан ўтиш, паст-баланд йўлларда ҳаракатланиш, кескин бурилишлар... Хуллас, ҳар бир жараён танкчилардан касбий малака талаб этади. Тажриба эса мана шундай амалий машғулотларда оширилади.

Юрт посбонлари нафақат кундузи, балки тунги шароитларда ҳам, залварли техникаларни осонгина бошқариш кўникмасига эга. Чунки улар етарлича тобланган, соҳасининг етук мутахассисларидир.

Гуруҳ бўлиб ва якка тартибда ҳаракатланиш, оралиқ масофани сақлаш, сувли тўсиқлардан ўтиш ва истеҳкомларга жойлашиш... Тунги машғулотлар ҳам кундузгисидан асло қолишмайди. Ишонч билан дадил ҳаракатга киришган юрт ҳимоячилари топшириқларни қийинчиликларсиз адо этишди.

– Танкчилар взводи ва гуруҳлари таркибида назорат машқлари бажарилди, – дейди машғулот раҳбари катта лейтенант Шербек Раҳимов. – Тунги

шароитларда гуруҳнинг жанговар тартибдан сафар тартибига ва сафар тартибидан жанговар тартибга ўйилиш кўникмалари оширилди. Бу каби амалий машғулотлар танкчилар учун жанговар вазиятларда зирҳли машинани бошқариш ва касбий қобилиятини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, ҳар қандай экстремал вазиятларда

мустақил қарорлар қабул қилишга ўргатади. Албатта, назария билан амалиёт уйғунлашсагина, кутилган натижага эришиш мумкин. Миллий армиямиз жанговар қудратини янада мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашда бу каби машғулотлар муҳим аҳамиятга эга.





Яқинда Ўзбекистон Республикаси мудофаасига нўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан имзоланган ўзаро ҳамкорлик меморандумига асосан, «Калибр» узоқ масофаларга ўқ отиш клуби таъсис этилган эди.



«Калибр» клуби «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази қошида ташкил этилган бўлиб, клубнинг асосий мақсади ов ва узоқ масофаларга ўқ отиш спорти ҳаваскорлари, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илғор тажриба алмашиш ҳамда республика ҳудудида узоқ масофаларга ўқ отишни оммалаштириш ҳисобланади.

«Калибр» узоқ масофаларга ўқ отиш клуби низомига мувофиқ, ушбу клубга фақатгина Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасига аъзо бўлган (қурол олиб юришга ҳақ-

ли) фуқаролар қабул қилинади. Бирлашма ниқобла-ниш, жойга мослашиш, ориентирланиш, қийин шароитларда яшовчанлик борасидаги ўз тажриба ва кў-никмаларини ҳарбий хизматчиларга ўргатиш бўйича маҳорат дарслари ўтиб бориши белгиланган.

Тошкент ҳарбий округи «Чирчиқ» дала-ўқув майдонида «Калибр» клубининг дастлабки йиғини ва мусобақаси бўлиб ўтди. Унда мудофаа вазирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари полковник Қодиржон Турсунов, ҳарбий хизматчилар ва клуб аъзолари иштирок этди.

Қатнашувчилар автомат ва мерганлик милтиғидан 200, 300 ва 500 метр масофадаги нишонларни йўқ қилиш бўйича ўзаро беллашди. Иштирокчилар сони, улардаги қизиқиш ва ғалабага бўлган интилиш яқиндагина ташкил этилган клуб истиқболидан дарак бериб турибди.

Шунингдек, мусобақа давомида яқинда Туркиянинг Испарта шаҳрида ҳарбий мерганлар ўртасида бўлиб ўтган халқаро мусобақада муваффақиятли қатнашган жамоамиз ва клуб аъзолари иштирокида учрашув ҳам ташкил этилди.

Яқинда йўналишлар бўйича ғолибликни қўлга киритган иштирокчиларга Тошкент ҳарбий округи томонидан қимматбаҳо совғалар берилди.



Катта лейтенант
Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»

ТОГ БУРГУТ, ОВЧИ, ШАРПА ҲАРБИЙЛАР

Мудофаа вазирлиги «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлар маркази ва унинг жойлардаги базалари ҳар бир ҳарбий хизматчининг касбий маҳоратини ошириб боришда муҳим аҳамият касб этади. Ўқув машғулотларининг мавсумий ташкиллаштирилиши эса мутахассисларнинг турли рельефли ҳудудларда эркин ҳаракатланиши ва шароитга мослашишини таъминлайди.



Тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлар марказида бўлиб ўтган ўқув-машғулотлар давомида тоғ ишғол гуруҳлари вертикал ҳаракатланиш, тик қояларга кўтарилиш ва тушиш, узоқ масофага марш юриш, пастдан юқорига, юқоридан пастга жанговар қуроллардан тунги ва кундузги шароитда отиш, сув тўсиқлари, тоғ дараларидан арқон ёрдамида ўтиш каби бир-биридан мураккаб машқларни бажарди. Шунингдек, тоғ шароитида ярадорларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, разведка-қидирув, тактик ҳаракатланиш каби топшириқлар борасида ўз маҳорат ва кўникмаларини намойиш этишди.

Ҳарбий хизматчилар узлуксиз алоқа, аниқ мўлжал, параплан ва чанғида учиш ҳамда отлик гуруҳларда ҳаракатланиш курсларини бажариш чоғида хатога йўл қўйишнинг оқибати нималарга олиб келишини яхши англайди. Вазифалар «Тоғ шарпаси», «Тоғ овчиси», «Тоғ бургути» ўқув дастурлари орқали мукамаллаштирилиб, йиғин иштирокчиларининг тажрибаси ошириб борилаверади. Ўқув-услубий йиғин давомида уларга тажрибали йўриқчи сержантлар бириктирилиб, бажарилган ҳар бир ҳаракат муносиб баҳоланди. Тоғ ишғол гуруҳлари ўқув-услубий йиғин шартлари бўйича топшириқларни қандай вазиятда бажармасин, уларнинг ҳаракатларида аниқлик, уюшқоқлик, қатъийлик жиҳатлари кўзга ташланиб турди. Эрта тонгдан қош қорайгунга қадар давом этган машқлар давомида гуруҳлар ўз олдига қўйилган мақсад йўлида навбатдаги тўсиқларни енгиб ўтишга ҳаракат қилди.

Марказда мунтазам ўтказиб келинадиган «Тоғ шарпаси», «Тоғ овчиси», «Тоғ бургути» ўқув дастурларининг самарасини тоғ ишғол гуруҳлари ҳаракатларида яққол кузатиш мумкин. Ўт-ўланлар орасига шарпа сингари яширинган мерган, парапланда бургут



сингари осмонда парвоз қилаётган «бургутлар», қисқа муддат ичида «Катта Чимён» ва «Овчи» чўққиларини забт этиш ҳадисини олган «овчилар»ни кўриб, ўз ишининг устаси бўлиб кетганлигига қояда ҳосил қиласиз. Тик қояларда деярли тоғ эчкиларидек сакраб юрган ҳарбий хизматчилардан қояга кўтарилишнинг айрим сирларини ўрганиб олиб, уларнинг моҳирона ҳаракатларини диққат билан кузатиб бордик. Бу каби машғулотлар ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини ошириш билан бирга улар орасидан етакчиларни саралаб олиш имконини ҳам беради. Марказ бошлиғи майор Фаррух Тошевнинг таъкидлашича, фаол ва тажрибали йиғин қатнашчилари орасидан йўриқчи сержантликка даъвогарлар рўйхати шакллантирилиши машқларни сидқидилдан бажаришга бўлган интилишни янада кучайтиради. Бунинг натижасида қатнашчилар орасида соғлом рақобат ва топшириқларни масъулият билан бажариш ҳисси ор- хам давом эттирилмоқда. Тоғ тайёргарлиги мутахассислиги ва ҳарбий альпинист деган номга осонгина эришиб бўлмайди. Бунга аниқ мақсадли, машаққатли ва узлуксиз ҳаракатлар орқалигина эришиш мумкин, – дейди III даражали сержант Абдулвоҳид Ҳомиджонов. – Ҳаракатлар тўхтатиб қўйилдими, ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келади. Чунки тоғлардаги ҳар бир чўққида, ҳар бир қояда, қолаверса, тоғ дараларида, жарликларда, сўқмоқ ва сув йўлларида мавсумга қараб қарор қабул қилинади. Ана шундай вазиятларда хатога йўл қўйиб бўлмайди. Босиб ўтилиши керак бўлган ёки жанговар топшириқ бажариладиган ҳудуд умуман нотаниш бўлиши мумкин. Тоғ жангчиси бундай ҳолатларда тўғри ва аниқ қарор қабул қилиш орқали топшириқни бажара олиши керак. Айтмоқчиманки, гуруҳ орасидан кимдир етакчиликни қўлга олиб, қоядан, жарликдан, сув тўсиқларидан гуруҳнинг ўтишини таъминлаб бериши лозим. Халқаро армия ўйинларининг «Эльбрус ҳалқаси» йўналишида бир неча марта қатнашиб, совриндор бўлганман. Халқаро мусобақа ва бу ерда тўплаган тажрибам, хизмат вазифам ва топшириқларни бажаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Сайлов жараёни сайлов кампаниясини эълон қилиш, сайлов комиссияларини тузиш, номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш ва сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур рукн остида берилаётган мақолалар сайлов билан боғлиқ масалаларни осон ва асослангирилган тарзда тушунишингизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Сайловга оид қонунчилик ҳужжатлари тизимида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси муҳим аҳамиятга эгадир.

Кодекс лойиҳасини тайёрлаш давомида, биринчидан, миллий қонунчилигимиз ва сайлов амалиёти таҳлил этилди, иккинчидан, 20 дан ортиқ хорижий мамлакатнинг (Франция, Нидерландия, Канада, Италия, Швеция, Бельгия, Польша, Албания, Беларусь, Озарбайжон ва бошқалар) илғор тажрибаси ўрганилди, учинчидан, халқаро ташкилотларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тавсиялари инобатга олинди.

Сайлов кодекси турли сайловларни ўтказиш билан боғлиқ 5 та қонун ва ўндан ортиқ меъёрий ҳужжат асосида қабул қилинган, ўзида 30 дан ортиқ янги демократик сайлов қоида-талабини мужассамлаштирган ягона кодификациялашган ҳуқуқий ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 2019 йил 25 июнда қабул қилинган бўлиб, 18 боб ва 103 та моддадан иборат. Сайлов кодексида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, миллий сайлов амалиётга замонавий халқаро сайлов стандартларини жорий этиш ва сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқларини янада кафолатлаш мақсадида сўнгги йилларда муҳим қўшимча ва ўзгартишлар киритилган. Хусусан, Сайлов кодексида киритилган сўнгги муҳим қўшимча ва ўзгартишлар 2023 йил 6 майда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонуни билан киритилди.

Ушбу конституциявий қонун билан ҳар йилги маҳаллий бюджетларнинг бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш, оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун судланганлик ҳолати туғалланмаган ёхуд олиб ташланмаган фуқароларнинг вилоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссияси аъзоллигига тайинланишини тақиқлаш назарда тутилди. Мазкур конституциявий қонун сайлов тизимини такомиллаштиришга, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга, фуқаролар йиғинлари фаолиятининг ва референдумда иштирок этишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Сайлов кодексида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ масалалар алоҳида ҳуқуқий тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ўзига хос хусусиятлари Сайлов кодексининг 12-бобида белгиланган бўлиб, қуйидаги нормалардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодга қўйиладиган талаблар (61-модда); Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи (62-модда); Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партиялар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (63-модда); Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тартиби (64-модда); Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш (65-модда).

Сайлов кодексининг 66-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти мuddатидан илгари Ўзбекистон

Республикаси Президенти сайловини тайинлаган тақдирда, **сайлов Сайлов кодексига тўлиқ мувофиқ ҳолда икки ой ичида ўтказилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш мuddатлари** Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид тадбирларни ташкил этиш бўйича Марказий сайлов комиссияси Мuddатидан олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича календарь режасини қабул қилади ва сайлов жараёнига оид тадбирлар ва уларнинг мuddатлари ушбу календарь режада акс эттирилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 10 майдаги «**Мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясини эълон қилиш ва уни ўтказиш бўйича календарь режани тасдиқлаш тўғрисида**»ги **247-сон қарори билан мазкур календарь режа тасдиқланган.**

Сайлов қонунчилиги тизимида **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари** ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Сайлов кодексининг 16-моддасига асосан, Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари очиқ овоз бериш орқали, комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар Марказий сайлов комиссияси Раиси томонидан имзоланади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари қабул қилинган пайдан эътиборан кучга кирилади ва Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида, шунингдек, зарур бўлган ҳолларда бошқа манбаларда эълон қилиниши лозим. Марказий сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари округ ва участка сайлов комиссиялари, давлат органлари, сиёсий партиялар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари билан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид қоидалар, ташкилий чора-тадбир ва услубий кўрсатмалардан иборат **низом, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкин.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари билан қуйидаги низомилар тасдиқланган:

Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1065-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида»ги низоми;

Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида»ги низоми;

Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 938-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида»ги низоми;

Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 951-сон қарори билан тасдиқланган «Сиёсий партиялар

ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар тўғрисида»ги низоми;

Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 952-сон қарори билан тасдиқланган «Сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низоми ва бошқалар.

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Сайлов кодексида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказадиган **сайлов комиссиялари тизимига қуйидагилар кирилади:**

Марказий сайлов комиссияси; округ сайлов комиссиялари; участка сайлов комиссиялари.

Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Сайлов кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади. Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади. Сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш сайлов комиссияси томонидан коллегиял тарзда амалга оширилади.

Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини очиқ ва ошқора амалга оширади. Сайлов комиссиясининг мажлисларида сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин. Сайлов комиссиялари номзодларга, сиёсий партияларга сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шарт-шароитларни, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишини, овоз беришнинг ва сайлов якунларини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўради:

а) Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади. Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсиясига кўра, Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат томонидан сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан, комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссиялари тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Сайлов кодексининг ижроси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилади;

сайлов комиссиялари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади, сайловни ташкил этиш

масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар ҳамда низомиларни тасдиқлайди, тушунтиришлар беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун сайлов округларини тузади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларини тузади, шунингдек, уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг сайловдаги кузатувчиларига мандатлар беради;

сиёсий партияларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун мандат намунасини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини ҳамда уларга гувоҳномалар берилишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончи вакилларини рўйхатга олади ҳамда уларга гувоҳномалар беради;

сайлов бюллетенларини тайёрлаш ва сайлов участкаларига етказиш тартибини белгилайди;

сайловнинг якунларини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар сони, ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони тўғрисидаги хабарни матбуотда эълон қилади;

сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади;

халқаро ташкилотларнинг, чет давлатларнинг сайлов органлари ва вакилларини сайловларни кузатиш учун тақлиф этади.

Сайлов кодексига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз-ўн саккиз нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари аъзоллигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади;

в) Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида беш-ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибидан иборат таркибда тузилади.

(Давоми бор)

**Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси**

ТАЖРИБА ВА ФИКР АЛМАШИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмади. Шунга қарамай, академия кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга улгурди ва бу борада қатор ютуқларга эришди.



Йил давомида академияга кўплаб хорижий мутахассислар ташриф буюриб, ўзларининг қатор билим ва тажрибаларини соҳанинг ёш мутахассислари билан бўлишиб келмоқда. Германия, Жанубий Корея, Туркия, Россия, Ҳиндистон каби давлатлар билан тиббий таълим соҳасида ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилгани ютуқлар самарадорлигини оширяпти. Энг асосийси, ҳамкорлик доираларининг кенгайиши, юртимизнинг дунё давлатлари орасида ҳарбий тиббиёт соҳасида ўз ўрнига эга бўлиб боришига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясида хорижлик тиббиёт мутахассислари иштирокида тренинг машғулотлари ўтказилди.

Ҳарбий шифокорлар ўртасида ҳарбий тиббиёт йўналишидаги сўнги янгилıklar билан ўртоқлашиш, илғор тажриба ва фикр алмашишга

йўғрилган мазкур тренинг давомида янги инновация – «Аполлон» одам қиёфасидаги манекеннинг ишлаш функциялари, унда тиббий диагностика ўтказиш бўйича хорижий мутахассислар ўзларининг қатор тажрибаларини ўртоқлашди.

Ўқув масканининг машғулот хоналарига ўрнатилган ҳар бир замонавий асбоб-ускуналар хорижий мутахассисларнинг эътиборини тортмасдан қолмади. Академия курсантларининг ўқув жараёнларини пухта ўзлаштириши учун яратилган бундай шарт-шароитлар ҳақиқатдан мақтовга лойиқ.

Хорижлик мутахассислар иштирокида тренинг машғулот ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш ва уни халқаро стандартлар асосида қуришдан иборат.

✓ HARBIY-VATANPARVARLIK

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЁШЛАР МАМЛАКАТИ»

Болалар ҳаётимиз давомчилари, келажагимиз эгаларидир. Уларни асраб-авайлаш, ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш ҳар бир давлат, ҳар бир оила, ҳар бир ота-онанинг истаги, муқаддас бурчидир.



Ёшларда юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш ҳамда уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларимизга, халқимизнинг буюк тарихи, маънавий меросига ҳурмат руҳида камол топтириш мақсадида мамлакатимизнинг қатор вилоят ва туманларида «Янги Ўзбекистон –



ёшлар мамлақати» шиори остида «Ёшлар ойлиги» ўтказилляпти.

Пойтахтимизнинг «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳамда «Шон-шараф» давлат музейи билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ва Олмалик шаҳрида

жойлашган умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун «Уч авлод учрашуви» бўлиб ўтди. Унда ҳарбий институт шахсий таркиби, фахрийлар, ўқувчи-ёшлар, музей ходимлари ҳамда курсантлар иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган шароитлар, мавжуд имкониятлар ҳақида гапириб, улардан оқилона фойдаланиш тўғрисида тавсиялар берди. Шунингдек, «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси мамлакатимизнинг Иккинчи жаҳон урушида ғалабага қўшган улкан ҳиссасини эслатиб турувчи мажмуа эканлигини, очик осмон остидаги музейга ташриф буюрганлар маънан мозийга саёҳат қилишини, ҳар бир экспонат ўтмишдан сўз очишини айтиб ўтишди. Учрашув давомида ҳарбий институт шахсий таркиби ёшларга олий ҳарбий таълим муассасига ўқишга кириш тартиб-қоидалари, таълим жараёни, ихтисослик йўналишлари тўғрисида маълумотлар берди. Тадбир сўнгида музей маъмурияти ёшларни мажмуа бўйлаб экскурсияга таклиф қилди.

Бутун дунё бўйлаб иқлим ўзгариб бормоқда. Қиш фаслида аёзнинг қахрини кўрган бўлсак, кириб келганига ҳали кўп бўлмаган ёзнинг жазирамасига ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Аммо об-ҳавонинг бундай инжиқликлари ҳарбий хизматчиларнинг матонати ва иродасини бука олмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам Ватан ҳимояси йўлидаги машаққатларга ўзида кўникма ҳосил қилган бўлғуси офицерлар битирув имтиҳонларини дала-ўқув майдонларида топширишмоқда.

Қуроли Кучлар академияси ва Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти битирувчи курсантлари якуний давлат аттестацияси синовларидан бирин-кетин ўтишмоқда. Бўлғуси офицерлар олдидаги бу галги синовлар дала-ўқув майдонида БТР жанговар машиналари ва зирҳли танклардан нишонларни яқсон этиш билан боғлиқ бўлди. Табиийки, синовлар ўта қизиқарли кечди. Курсантлардаги ҳаяжондан ҳам шуни англаш қийин эмас эди. Биринчи бўлиб Қуроли Кучлар академияси битирувчи курсантларининг БТР жанговар машиналарини моҳирона бошқариш, вазиятни тўғри баҳолаш, нишонни аниқ мўлжалга олиш ва уни яқсон қилиш бўйича билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди.

– Бугун биз сафдошларим билан БТР жанговар машинасида биринчи отиш машқини муваффақиятли бажардик, – дейди курсант Муҳаммад Давлатов. – Бунгача тарбиявий-мафкуравий ишлар услубияти ҳамда жангнинг ахлоқий-руҳий таъминоти фанларидан якуний имтиҳонларни топшириб бўлдик. Бизга яратилган шароитлар ва устозларимизнинг янгича усуллардан фойдаланиб, бизга берган таълими самараси ўлароқ натижаларимиз ижобий бўлмоқда.

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти битирувчи курсантлари ҳам зирҳли жанговар машиналарни



ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАН ПАЛЛА



Muallif sur'atiga olgan

моҳирона бошқариш, белгиланган нуқталарда қисқа тўхташ ва ҳаракатни давом эттирган ҳолда нишонларни йўқ қилиш бўйича ўзларининг сўнгги синовларини амалга оширди. Кутилмаганда жанговар техникада юзага келган носозликни қисқа вақт ичида бартараф этиш бўйича ҳам кўникмалар шакланганлигини намойиш этишди.

– Аслида зирҳли жанговар машиналарни бошқаришнинг ўзи мураккаб жараён ҳисобланади. Ундан ўқ узиб, 1 500 метрдаги нишонни яқсон этиш эса ундан ҳам қийин. Аммо бундай қийин вазифани

уч кишидан иборат жамоа экипажи муваффақиятли удралдик, – дейди курсант Илёсбек Собиров. – Мен бу олий ҳарбий таълим муассасасига биринчи курсга қабул қилинган пайтларимда жанговар йўналишдаги билимларимизни синовдан ўтказиш учун бугунги кундаги имкониятлар йўқ эди. Сўнгги йиллардаги ижобий ўзгаришлар ортидан тренажёрлардаги имкониятлар реалликка жуда яқинлаштирилди. Шу сабаб бугунги якуний давлат аттестацияси синовларида қийинчиликларга учрамадик.

Нишонлар яқсон этилди. Бошқарувимизда бўлган танкнинг ҳаракатларида ҳам хато ва нуқсонлар деярли бўлмади.

Бўлажак офицерларнинг ўзига бўлган ишончини кўриб, кўнгил таскин топди. Уларнинг келгусида сарҳадларимиз тинчлиги йўлида камарбаста бўлиб, орттирган кўникмаларини қўшинлар таркибида жорий этишига катта умидлар боғлаб «Чирчиқ» дала-ўқув майдонидан ортга қайтдик.

Шерзод ШАРИПОВ,
 «Vatanparvar»



ИНСОН ДАН ҚОЛАДИГАНИ



Bahrom ABDURAHIMOV

ФАҚАТ ЯХШИЛИКДИР!

...Ўғил олти йиллик таҳсилдан сўнг Тошкентга, ота-онаси ёнига қайтди. У аллақачон хизматга тайинланган, катта йўл олтидан ота-онасининг оқ фотиҳасини олиш учун келганди. Йигитнинг отаси уруш кўрган одам эди. Ўғли танлаган йўлнинг машаққатини ҳаммадан ҳам кўпроқ у билар эди.

Маҳалла масжидига оқсоқоллар тўпланадиган вақтни мўлжаллаб ўғлини етаклаб борди. Мақсад ўғли учун уларнинг дуосини олиш. Шу кун масжидга (ҳозирги *Ислом ота жоме масжиди*) йиғилган кексалар уни узундан-узоқ дуо қилдилар, оқ йўл тиладилар.

– Ўшанда 23 ёшда эдим, – деб эслайди қаҳрамонимиз «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими», «Меҳнат шўҳрати» ордени соҳиби, олий тоифали шифокор, захирадаги тиббий хизмат полковниги Шавкат Ачилов. – Мен илк марта ишни «Бисмиллаҳир раҳманир раҳим» сўзлари билан бошлашни шу ерда ўрганган эдим. Ва шу кунга қадар эришган ютуқларим, эшитган раҳматларимда, аввало, ота-онам, ўша олис ёшлик йилларимда масжидда менга оқ йўл тилаган оқсоқоллар дуоси бор. Булар шунчаки, дуо эмас, уларнинг менга бўлган ишончи, адоқсиз меҳру муҳаббати эди!

ИЛК ТАНИШУВ

2000 йилларнинг боши эди, адашмасам. Тиббиёт ходимлари кун муносабати билан Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали шифокорларидан бири ҳақида мақола тайёрлашимни айтишди. Устозимиз, захирадаги подполковник Азимбек Усмоновнинг айтишларига қараганда, газета ўқувчилари орасида шифокорлар алоҳида ажралиб туришар экан. Улар ҳақида бир парча мақолангиз ҳам ишонarli, ўқимишли бўлиши керак, чунки зиёли одамлар, ҳаммаси, деб уқтирдилар.

Устознинг ўғитлари ёдимда, кўнглимда ҳаяжон... Бордим, госпиталнинг етакчи шифокорларидан тиббий хизмат подполковниги Шавкат Ачиловни тавсия қилдилар. Қаранг, яқинда иш бошлаган, истиқболли ёшлардан бирини тавсия қилсалар бўлмасмиди?! Катта шифокор билан қандай гаплашаман, қандай қабул қилар экан? Хаёлимда минг хил ўй билан шифокор билан кўришдим. Банд экан, кутдим, одамнинг кети узилмайдими... Вақт ажрата олмайгани учун хижолат бўлибми менга бирпас кутиб туришимни сўраб, сейфни очиб, у ердан бироз сарғайган газетани олиб менга узатди:

– Сиз шу мақоладан фойдалана қолинг, мен ҳақимда ёзилган...

Аҳволимни тасаввур қила олмайсиз. Мен... муҳбирман, таҳририят топшириғи билан келсам-у, бу киши

ўзи ҳақида қачонлардир чиққан мақоладан фойдаланиб ёзишимни маслаҳат бериб турса. Ўзига ишончи осмон қадар бўлган инсонни «ерга уриш» эмасми, бу?! Сир бой бермай мақола муаллифига қарадим. Худойназар ака! (*раҳматли устоз Худойназар Жуманазаров*) Мен улардан ўтказиб, ёза оламанми?

Аммо ҳаракат қилдим. Мен ёзган мақола устоз ёзган мақола каби қулф-лоқлик сейфда сақланганми ёки йўқми, билмадим, аммо ёзишга жиддий ҳаракат қилдим.

БЕБАҲО ИНСОН

Ростдан ҳам бу инсон ҳақида матбуотда кўп ёзилган. Бежиз эмас, табиий. Ўз ишининг ҳақиқий устаси, билимдони, фидойиси. Марказий ҳарбий клиник госпиталнинг абдоминал жарроҳлик бўлими ординатори Шавкат Ачилов навқирон 70 ёшни қаршилади. У ҳамон сафда, ҳамон эл хизматида!

Жарроҳнинг кабинети-га бемалол кириб келган шифокор ҳам қаҳрамонимиз билан бирга ишласа керак, деб тахмин қилдим. Мовий кўзли, очикқина бу киши тиббий хизмат полковниги Назиржон Алиқулов бўлиб, ўзини Шавкат Ачиловнинг шогирдиман, деб таништиради.

– Устозингиз қандай инсон? – сўрадим ундан.

– Яхши инсон, албатта.

– Яхши инсонлигини шогирди бўлмаган инсонлар ҳам айтиши мумкин.

– Биласизми, турли жойларда хизмат қилдим, турфа одамлар билан кўришдим, ишладим. Шифокорнинг иши ҳар доим ҳам режали, силлик, бир текис кечмайди. Кутилмаган ҳолатлар кўп. Баъзан тунда жарроҳлик амалиётлари ўтказишга тўғри келади. Шундай лаҳзаларда кимнидир ёрдамига, маслаҳатига эҳтиёж сезасан. Ана шу одам устоз Шавкат Ачилов! Истаган вақтингизда, хоҳ кун, хоҳ қок ярим тун бўлсин, кўнғироқ қилишингиз мумкин ва биринчи гудок кетиши билан... кадрдон овоз сизга жавоб беради. Инсон ҳаёти қўлингизда экан, бундай жавобнинг кадри юксакдир. Яхши шифокорлар кўп, Устоз бебаҳо!

ЖАРРОҲ КОЛЛЕКЦИЯСИДАН БИР ДОНА

Коллекция деб, эҳтимол, янглиш ёзаётгандирман. Аммо бошқача ном билан атай олмадим. Айрим шифокорларнинг мураккаб жарроҳлик амалиётига сабаб бўлган

нарсалардан, улар тиббиёт тилида нима деб айтилишини билмадим, юздан зиёд коллекциясини кўрганман. Шавкат Ачиловда булар қанчалигини билмайман, аммо биттаси ёдимда қолган: махсус идишда ғалати солланиб турган бир ҳовуч соч! Ҳа, ҳа, бир ҳовуч соч.

Келинг, бу ҳақда жарроҳнинг ўзидан эшитайлик:

– Бу воқеа ҳамон ёдимда. Тўхтовсиз, кучли оғриқ билан ўн уч ёшли қизалоқ келтирилган. Хуллас, жарроҳлик амалиёти бошланди, очиб кўрдик, шу пайт ошқозондан чиқиб турган икки-уч тола сочга кўзим тушди, олиб ташламоқчи бўлдим, аммо... Ошқозонда икки-уч тола эмас, кўриб турганингиздек бир ҳовуч соч бор экан.

– Бу қандай тўпланиб қолган?

– Соч учларини чайнашдек зарарли одати бўлган, шу тариқа пайдо бўлган, аста-секин.

Азиз ўқувчи, бу қирқ икки йиллик жарроҳлик фаолиятдан бор-йўғи биттасидир. Унга шундай савол бердим:

– Қирқ икки йил давомида тиббиёт ҳам ривожланди, янгидан-янги технологиялар кириб келди, жарроҳлик амалиётлари ҳам улар ёрдамида энгиллашгандир?

– Ҳа, ривожланиш бор, аниқ ташхислар қўйил-япти, жарроҳлик амалиётида ҳам энгилликлар бор. Аммо жарроҳлик барибир мураккаб соҳа, масъулияти кучли.

НАБИРА ШОГИРД НИМА ДЕЙДИ

Шавкат Ачилов бахтли инсон. Набира шогирдлар даврасида ишлаш ҳам ҳар кимга насиб этавермайди. Тиббий хизмат лейтенанти Маъмуржон Жалилов ана шундай набира шогирдлардан.

Шифокор шогирдини худди ўз фарзандини таништиргандек танитди, бизга:

– Ўзи мустақил жарроҳлик амалиётларини бажаряпти. Жуда иқтидорли, истиқболи порлоқ йигит. Бу каби ёшлардан унумли фойдаланишимиз керак. Унинг ўрни шу ерда, Марказий ҳарбий клиник госпиталда. Ҳозир у қўшинларга юборилса, ҳарбий тиббиётимиз етук жарроҳ тайёрлашда вақтдан ютқазади, деб ўйлайман. Қўли келишиб қолган, мустақил қарор қабул қила олади, ҳаммада ҳам бундай иқтидор бўлмайди! Ёш шифокорларни қўшинларга тақсимлашда шу жиҳатлар ҳам эътиборга олинса эди.

– Илк мустақил жарроҳлик амалиёти қандай кечди, – сўрайман набира шогирддан.

– Кузатувчи, ёрдамчи бўлганимда ҳаяжон бўлмаган, табиий. Ўзим мустақил... ҳаяжонландим, терга тушиб кетдим, инсон ҳаёти ҳазилакам нарса эмас! Аммо уйдаладим!

Келинг, қолган гапларни Маъмуржон Жалиловдан эшитамиз:

– Аслида травматология соҳасида ўзимни синаб кўрмоқчи эдим. Бир кун устоз ўтказиётган жарроҳлик амалиётига кириб қолдим, у-бу ишларга ёрдамлашдим. Шу майда-чуйда ишларим ҳам устозга маъқул келди, шекилли, мен билан қизиқдилар. Қандай ўқишим, режаларим... Шогирдликка оламан, деганларидека севиниб кетдим, чунки улар ҳақида ўқиш давомида кўп эшитганмиз, шундай улуғ инсоннинг шогирди бўлиш ҳам омад.

Устоз одам танла-масликни ўргатдилар. «Инсондан қоладигани фақат яхшилик, номингни яхшилигинг билан тилга олсинлар, ҳар хил одамлар ёнингга ёрдам истаб келади, бой ҳам, камбағал ҳам, кимсасиз ҳам, уларни ажратма, бирини бирдан устун билма, ҳаммасига бирдек эътиборли бўл», деб ўғит берадилар.

Биз бошқа касалхоналарда ҳам сабоқлар олганмиз. Айрим профессорлар, шифокорлар касб сирларини қизғанади, вақтни қизғанади. Устоз эса бутунлай бошқа олам. Барча билимларини эринмай ўргатадилар, буни бурч деб биладилар.

Бир ҳолат мени ҳар доим ҳайратга солади. Устозни йўқлаб келувчилар кўп. Ҳамма билан минг йиллик кадрдон каби суҳбатлашадилар, эринмайдилар, ҳориган бўлсалар ҳам сездирмайдилар, гўё олдиларида ўтирган одамдан бошқа ташвишлари йўқдек, унга ёрдам берадилар, кимларгадир телефон қилиб бўлса ҳам ишининг битишига кўмакчи бўладилар.

Уларнинг қабулига ҳамма кира олади. Худди отаси, акаси, дўсти, нажоткори ҳузурига келгандек. Шахсий муаммолари билан ҳам Устоз ҳузурига келишади. Ҳеч ким норизо чиққанини кўрмадим!

Мен шундай Инсонга набира шогирд эканимдан фахрланаман!

Азиз Устоз, ишончингиз менга куч беради, юрт хизматида ҳеч қачон чарчаманг!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»



КУРСАНТЛИКДАГИ

Ватан ҳимоячисининг масъулиятини таърифламасак ҳам кўпчиликка маълум. Биз ушбу кичик мақоламизда олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ҳақида тўхталмоқчимиз. Яна ҳам тўғрироғи, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (МДҲ) аъзо мамлакатлар олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ўртасидаги II ҳарбий спорт ўйинлари тўғрисида сўз юритамиз.



Кузатувчига фахр бағишлаб, иштирокчиларнинг масъулият залварини оширадиган яна бир жиҳат шундаки, ўғлонлар ҳарбий хизмат фаолиятини тўлақонли бошлашларидан аввал, яъни курсантлик пайтларидаёқ она юрт шаъни учун майдонга тушдилар. Улар бир неча кун давом этган мусобақада ўзларининг қай даражада тобланганликларини намоён қилди.

8 вазн тоифасидаги қўл жанги, ҳарбий кўп кураш (турникда тортилиш, 3 км ва 100 м масофага югуриш, граната улоқтириш, тўсиқлар оша югуриш), минифутбол, ПМ-3 ва АК-3 қуролларидан ўқ отиш каби мусобақалар қизгин баҳс, беллашув ва олқишларга бой бўлди.

– Ушбу мусобақа ҳам ҳаяжонли, ҳам масъулиятли бўлди. Ўз юртимизда бўлса ҳам халқаро доирада майдонга тушишнинг ўзига яраша «юк»и босар экан. Мамлакатимиздаги барча курсантлар номидан ҳаракат қилаётганимни ҳамisha ҳис қилиб турдим. Тўсиқлар оша югуриш мусо-

Мазкур мусобақада Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғиз Республикалари, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди. Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Қодиржон Турсунов сўзга чиқиб, барча иштирокчиларга бир неча кун давом этадиган беллашувларда омад тилади.

МДҲга аъзо давлатларнинг спорт қўмитаси раиси, қўмита котиби ҳам спорт ўйинлари иштирокчиларини ҳалол беллашувларда ўз шижоатини намоён этиш орқали ғолиблик учун қизгин курашга чорлади.

Шундан сўнг академия Фахрий қоровулининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Ўзбек жанг санъати бўйича кўргазмали чиқишлар, ҳарбий оркестр томонидан ижро этилган ватанпарварлик руҳидаги куйлар, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг концерт дастурлари мусобақага байрамона шуқуҳ бағишлади.





Muallif suraiga olgan

ШАРАФЛИ МАСЪУЛИЯТ

бақасида 1 дақиқаю 35 сония натижа кўрсатиб, рекордни янгилаганимда устозларимиз, ота-онам, яқинларим, халқимиз олдида ҳам юзим ёруғ бўлганини ҳис қилдим. Ҳарбий кўп кураш мусобақасида мутлақ ғолиб бўлишим эса ўзимга бўлган ишончимни ошириб, келгусида маррани янада баландроқ олишга ундади, – дейди Қуролли Кучлар академияси курсанти Исломбек Тўйчиев.

Ғолибларни тақдирлаш тантаналарида бир неча бор юртимиз байроғи хилпираб, мадҳиямиз янграганига гувоҳ бўлдик.

Ҳарбий кўп кураш мусобақасида курсант Исломбек Тўйчиев ғолибликни забт этган бўлса, ушбу йўналишда умумжамоа ҳисобида ҳам 1-ўрин юртимиз курсантларига насиб қилди.



Курсант Адҳам Искандаров ҳарбийлаштирилган кроссда 1-ўринни эгаллаб, қанчалар чиниққанлигини намоён қилди, умумжамоа ҳисобида ҳам вакиллари- миз ғолибликни кўлдан бермади.

ПМ-3 дан ўқ отиш беллашувларида курсант

Шаҳзод Юлдошев ҳам, жамоамиз ҳам мутлақ ғолиблар сафидан ўрин олди.

Қўл жанги мусобақаларида эса 67 кг вазнда курсант Асадбек Саттаров, 73 кг вазнда курсант Азизхон Абдуллаев, 88 кг вазнда курсант Амир Исмоилов, 97 кг вазнда

курсант Сардор Саматов биринчиликка сазовор бўлиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришди.

Қўл жанги, минифутбол мусокаларида ҳам умумжамоа ҳисобида юртимиз вакиллари биринчиликка муносиб топилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ўртасидаги II ҳарбий спорт ўйинлари умумий натижаларига кўра, 3-ўринни Қозоғистон Республикаси, 2-ўринни Россия Федерацияси, 1-ўринни эса Ўзбекис-

тон Республикаси жамоаси эгаллади.

Ғолиб ва совриндорлар Қуролли Кучлар академиясида тантанали тақдирланди.

Бу ғалаба билан ўғлонларимиз курсантликдаги шарафли масъулиятни тўлақонли адо этди.



Капитан Азиз НОРҚУЛОВ, «Vatanparvar»

Мен Тошкентни яхши кўраман. Бу тош шаҳар мени кучоқ очиб кутиб олмаган бўлса-да, кўп дилсиёҳликлар, ғамлар, ҳасратлар, армонларни ортмоқлаб ўтган бўлсам-да, севавераман. Бу ерда азиз фарзандларим дунёга келган. Дўстларим, жигарларим каби яқин дугоналарим, кадрли ҳамкасбларим, қўшнилари Ира опа, Асия опа, олима Дилнавоз, ўғлимнинг жўралари – тобуткашларим Эрлан, Рустамжон, Сирож... уларни шу ерда топдим.

«БОЛАЛАРДАН МУҲИМ ИШ БЎЛМАЙДИ»

Пайшанба куни эди. Тушлик вақти уйга бордим. Қизчам негадир қайт қилди, бўшашганроқ, қувноқликдан асар қолмаган. Югуриб ишхонага бордим. Игорь акага аҳволни айтган эдим: «Тезгина уйингга бор, эртага иш камроқ, келмасанг ҳам бўлади, болаларингни ёнида бўлақол», деди.

йўқ эди. Ота-онадан йироқда, яқинларимдан узоқ бир шаҳарда ёлғизланиб қолган эдим. Бўғзимни нимадир куйдирди, кўзларим пирпираб мени фош қилди...

ҲИМОЯЧИ

Завод маданият саройида ишлайдиган Лариса Ким мени кўрганида кулиб, «отам»ни сўрарди. У бош муҳарририни назарда тутарди. Бир

Айтганидек қилдим. Мақолаларим дарҳол эълон қилинди, мени қидириб топдилар, асосий ишимдан ажралмаган ҳолда ишга ҳам таклиф қилиндим. Ишлаб кўрдим. Тамоман бошқа муҳит, катта дунёга чиққандек эдим. Аммо... газетачилик шунчаки ишга келиб кетишдан иборат эмас эди. Унга кўпроқ вақт керак, ёзиш керак, хатлар билан ишлаш керак...

Яна Алимовнинг ёнига кирдим, арз-ҳол билан.

– Мен газета учун жуда оз вақт ажратяпман экан...

– Яхши, ҳафтада яна бир кун ўша газета учун ишла. Сен бу ерга кўп ҳам боғланма, яхши жой таклиф қилишса, ишлайвер, қўлимдан келганича ёрдам бераман.

Тошкентда, тош шаҳарда мени беғараз, ҳеч бир таъмасиз қўллаб-қувватлаган ягона инсон, менга ишонган инсон, бугун хаёлан қаршингизда туриб, ютуқларим билан мақтана олмайман. Аммо мен ёздам, ёзаяпман, насиб этса, ёзавераман.

Игорь Алимов икки карра инсультни бошдан кечирган ва иккисини ҳам матонат билан енган эди. Адолатли, ғамхўр эди. Уни кўп хотирлайман аммо ҳеч ёзмаган эдим. Ижтимоий тармоқларда Қашқадарё вилоятида икки гўдаги бор аёлнинг бир неча ой ҳокимиятда маошсиз ишлагани, сўнг штатлар қисқаруви натижасида ишдан бўшатишга ҳақида (бу масала вилоят ҳокими аралашуви билан ижобий ечим топди) ўқиганимда устоз ёдимга тўшди. Ва хотирларимдан бир қисмини қоғозга туширдим.

Ёнгинамиздан дарё каби бир инсон ўтди... Қабрингиз нурларга тўлсин, азиз устоз!

ДАРЁ КАБИ БИР ИНСОН ЎТДИ

Ҳаёт кўп яхши инсонларни қаршимдан чиқарди. Улардан бири Игорь Камилжанович Алимов. Миллат ойдини адиб Абдулла Қодирийнинг сафдоши Комил Алимовнинг фарзанди эди, у.

Тошкент трактор заводи қачонлардир қудратли ишлаб чиқариш заводларидан бири эди. Ва ўз босмаҳонаси, «Тракторсоз-тракторостроитель» деган газетаси мавжуд эди. Мен «газетчи»ликни шу ерда бошлаганман. Игорь Камилжанович Алимов бош муҳаррир эди.

ҚИСҚАРИШ

2000 йилларнинг бошлари. Йил сайин заводда қисқаришлар бўларди. Бу қисқаришлар икки бўлим – ўзбек ва рус бўлимларидан иборат газета таҳририятига ҳам етиб келди. Қисқариш яқин орада ишга қабул қилинганлардан бошланишини «эшиттиришди». Демак, мен. Сиқилдим, табиий. Аслида оҳ-воҳ қиладиган катта йўқотиш эмас. Бир неча ойлаб маош кутамиз. Аммо ҳали болаларим кичкина, иш жойим уйимга яқин. Тушликда бемалол уларни овқатлантириб келаман.

Шундай кунларнинг бирида Игорь ака ҳаммамизни кабинетига чақирди. Гапни чўзиб ўтирмасдан, масалага ойдинлик киритди: «Биз ўзбек бўлим раҳбари билан ходимларни қисқартириш хусусида маслаҳатлашдик. Бир киши қисқаради. Ўзбек бўлим раҳбари ўз бўлиmidан Инобатни ишдан бўшатишимиз мумкинлигини айтди. Бироқ бу бизга маъқул эмас. Уни болалари ёш, эри ишсиз. Ҳозир унинг ишдан кетиши оиласи учун фожиа. Шунинг учун рус бўлиmidан Рима Раҳматулина кетади, агар лозим бўлса. Чунки унинг болалари улғайиб қолган, эри яхши ишлаб топади. Мен мумкин қадар иш ўрнингизни сақлаб қолишга ҳаракат қиламан, эҳтимол, муаммога ечим топармиз...»

Ҳарқалай ечим топилди.

Севиниб яна орқамга қайтдим. Раҳмат айтдим-ми-йўқми, эслолмайман. Эрта қайтганимдан болаларим ҳам бахтиёр. Доктор чақирдим, «ҳаммаси яхши, ташвиш қилма, ниманидир ортиқча еган», деди. Шундай қилиб уч ярим кун болаларимнинг ёнида бўлдим.

Душанба куни ишга бордим. Бироз ўтиб Игорь ака вазмин қадамлар билан кириб келди. Тўғри қаршимга келиб:

– Боланг тузалиб қолди-ми? – деб сўради.

– Ҳа, Худога шукур, яхши, – дедим.

– Агар яна шундай ҳол юз берса, ишхонага келиб юрма, маданият саройи уйингга яқин, шу ерга келиб, телефон орқали бир оғиз оғохлантириб кўйсанг, етарли. Болалардан ҳам муҳим иш бўлмайди! Пул керак бўлиб қолса, тортинмай сўра.

Бу сокин овоз, оталарча ғамхўр нигоҳ... кўпдан бундай шафқат кўрганим

гал сайлов ишларига жалб қилинганим ҳолда қатнаша олмаганман. Опа менга телефон қилиб аччиққина танбеҳ берган, рангим оқариб телефон трубкасини тутиб турганимда Игорь ака қоғоз кўтариб чиқиб қолиб, нима гаплигини сўраган. Айтдим. Шу заҳоти олдимда номерни қайта териб, жамоатчи опага чертиб-чертиб, иккинчи марта яна шундай оҳангда гаплашса, оқибати яхши бўлмаслигини тушунтирди. Телефонни қўяр экан, деди:

– Бирор киши ҳақдини билмай, қаттиқроқ сўз айтса, менга келиб айт, мен гаплашаман улар билан.

Енгил тортиб, боладек қувонган эдим.

Бир куни олдига чақириб, яна шундай деган эди:

– Ўзбекча ўқий олмайман, ёзганларингни ўзбек тилида ёзадиган дўстларимга кўрсатдим, яхшигина қалами бор экан, дейишди. Шаҳар газеталарига ҳам қатнашиб тур.

✓ «YOSHLAR OYLIGI»

Қуролли Кучлар академиясида «Ёшлар ойлиги» доирасида тадбир бўлиб ўтди. Унда академиянинг биринчи босқич курсантлари ҳамда Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш марказининг таниқли спортчилари иштирок этди.



Ёшлар, айниқса, курсантлар орасида спортга беларво қарайдиганлар топилмаса керак. Ҳатто болалар ҳам катта спорт мусобақаларини, катта спортчиларни ўзгача ҳайрат билан кузатадилар. Улар қаршингда турсалар-чи?! Сизни қизиқтирган саволларга жавоб беришга

тайёрман, дейишса-чи? Ҳаяжонли саслар, меҳр, ҳавас тўла ёниқ нигоҳлар...

Осон бўлмаган шарафли бир йўл, катта спорт. Катта мақсадлар билан, матонатла эришиладиган, мардона босиб ўтиладиган йўл!

Катта спортга кириб келишингизга ким сабаб бўл-

КАТТА СПОРТ, ЙЎЛ, МАҚСАДЛАР

ган? Устозингиз ким? Яна нималарни орзу қиласиз? Ҳаётингиздаги илк мусобақа ҳаяжонларини эслай оласизми? Қўрқув, ҳаяжон бўладими? Уларни қандай енгиш мумкин? Катта спортга неча ёшда кириб келдингиз? Қандай режаларингиз бор? Спортчи учун энг юксак чўққи, энг юксак марра нима билан белгиланади?..

Ёшларнинг шу каби кўпдан-кўп саволларига Мудофаа вазирлиги спорт марказидан халқаро тоифадаги спорт усталари – «Шўхрат»



медали соҳибаси, капитан Надия Дусанова, Олимпиада ўйинлари иштирокчиси, кичик сержант Бобур Шокиржонов, кичик сержант Раҳмон Жумаев жавоб бердилар.

Академия ҳарбий оркестри ва муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан тайёрланган мусиқий дастур тадбирга алоҳида файз бағишлади.

“MEN ASKARMAN – VATAN POSBONI!”

...Poyezd uzoq yo‘l yurdi. Bu vaqt ichida yigitlar bir-biri bilan yaqindan tanishib olishga ham ulgurishdi. Biri vodiy, yana birovi voha tomonlardan ekan. Egnida harbiy libos, ko‘zida o‘t chaqnayotgan bu azamatlar Vatan himoyasiga otlangan. Salkam bir sutkalik yo‘l, cho‘l va kengliklardan so‘ng nihoyat ular manzilga yetib kelishdi...

Barcha sharoitlarga ega, zamonaviy harbiy qism askarlarning hayotini tubdan o‘zgartirdi. Kundalik rejaga muvofiq, endi askarlar tongda turib, jismoniy mashqlarga oshiqardi. Jangovar va ma‘naviy-ma‘rifiy mashg‘ulotlar, sport musobaqalari... Kitobsevar askarlar esa o‘zbek va jahon adabiyotining nodir namunalari o‘rin olgan kutubxonada bo‘sh vaqtini mazmunli o‘tkazishni odat qilishdi. Shunday qilib ularning harbiy hayotga moslashishi juda oson kechdi.

Bu haqda Shimoli-g‘arbiy harbiy okrug Nukus garnizoni harbiy qismlarining birida harbiy xizmatni o‘tayotgan muddatli harbiy xizmatchilar shunday deydi:

Oddiy askar
Asadbek AHMADALIYEV



– Dadamning sog‘lig‘i to‘g‘ri kelmagani uchun harbiy xizmatga borolmagan ekanlar. Suhbatlashib o‘tirganimizda, doim meni “Polvon o‘g‘lim, o‘zimni, askar bolam!” deb erkaldirdi. O‘sha paytlarda, qalbimda

askar bo‘lish orzusi uyg‘ongan. Maktabni tamomlab, institutga kirolmaganimdan so‘ng armiyaga ketish taraddudiga tushdim. Bo‘yim biroz kichikroq bo‘lgani uchun “meni armiyaga olishmasa-chi”, degan qo‘rquv ham bo‘ldi. Lekin orzu-maqsadim hamda dadamning daldasi bilan o‘zimga bo‘lgan ishonchim ortib, barcha sinovlardan muvaffaqiyatli o‘tdim. Chaqiruv punktida menga “Qayerda harbiy xizmatni o‘tamoqchisan?” deb savol berishganida “Vatanimning qay bir burchagi bo‘lmasin, xizmatga shayman”, deb javob berdim. Shu bilan Namangandan Nukusga qarab yo‘l oldim. Harbiy libosning ham salobati bo‘larkan. Oz muddat ichida ancha o‘zgardim. Vatanga qasamyod qabul qilish tantanasida dadam bilan telefon orqali gaplashdik. Ko‘zlariga yosh qalqan otam “Polvon bolam, orzum ushaldi!” deb menga omad tiladi. Eng muhimi men otamning ishonchini oqlab, orzusini ushaltirganimdan xursandman.

Oddiy askar
Asilbek DABILOV



– Oilada olti nafar farzandimiz, to‘rt opam va bir singlim bor. Dadam harbiy xizmatchi bo‘lgan. Ular ko‘p yillar davomida harbiy orkestrda xizmat qilgan. Bolaligim harbiylar ichida o‘tdi. Harbiycha salomlashuvni juda yoqtirardim. Yodimda qolgani, kichkinaligimda qo‘limni peshonamga qo‘yib, harbiycha salom berganimda harbiylar alik olishardi. Ulardagi salobat, butun vujudidan taralib turgan kuch-qudrat va shijoatga havasim kelardi. O‘sha vaqtlarda men ham katta bo‘lsam, harbiy kasb egasi bo‘lishni o‘z oldimga maqsad qilib qo‘yganman. Sport bilan shug‘ullanishni kanda qilmadim, maktabda ham yaxshi o‘qishga intildim. Maktabni tamomlash arafasida dadam bilan kelajak orzularim haqida suhbatlashdik. O‘shanda dadamga: “Kelajakda siz kabi harbiy bo‘lmoqchiman”, deganman. Dadam quvonib ketgandi...

Mana bugun men ham oddiy askar sifatida Qurolli Kuchlarimiz safida xizmat qilayman! Kelajakda xizmatni kontrakt bo‘yicha davom ettirish istagidaman.

Oddiy askar
Sardor SHAMSIDDINOV



– Surxondaryolikman. San‘atkorlar oilasida tug‘ilib o‘sganman. Bizning zamindan mashhur yozuvchi-shoirilar, kuragi yerga tegmagan polvonlar, san‘atkorlar yetishib chiqqani meni g‘ururlantiradi. Opam ham san‘atkor. Maqom yo‘nalishida ijod qiladi. Men ham armiyaga kelgunimga qadar o‘zimizning tumanda o‘tkaziladigan turli tadbirlarda musiqa uskunalarini sozlash bilan shug‘ullandim. Rubob, tanbur, doira va gitara chalishni bilaman. Men harbiy xizmatni o‘tash jarayonida san‘at va harbiy hayotning bir-biriga o‘xshash tomonini kashf qildim. Qanday deysizmi? Bu ikki kasbda ham mas‘uliyat va qunt kerak. Farqi shundaki, san‘at orqali qalb orom topadi, harbiylik esa tinchlik va osoyishtalikni ta‘minlaydi.

Armiyadan so‘ng kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatni davom ettirib, harbiy orkestrda xizmat qilmoqchiman. Qoraqalpog‘istonga ketayotganimda, onam ko‘zida yosh bilan kuzatib qolgandi. Vatanga qasamyod qabul qilish marosimiga kelganlarida, bu yerdagi shart-sharoitni ko‘rib, harbiy qism hayoti bilan tanishib ko‘ngillari yorishdi. O‘shanda yaqinlarimga kelajagimni harbiy soha bilan bog‘lamoqchiligimni aytdim. Ular qarorimni qo‘llab-quvvatlab, menga oq yo‘l tiladi.

Oddiy askar
Xudoyberdi YUSUPOV



– Farg‘ona viloyatining Oltiariq tumanidanman. Bolalikdan hamma bolayam askar bo‘laman, deb ulg‘ayarkan. Bu istak menda ham

bo‘lgan. “Armiyaga borib, Vatan oldidagi yigitlik burchimni o‘tayman”, deganimda yaqinlarim bu qarorimdan judayam quvonib ketdi. Shunday qilib barcha sinovlardan muvaffaqiyatli o‘tib, Qurolli Kuchlar safiga qabul qilindim.

Kichkinaligimdan tadbirkorlikka qiziqardim. Shuning uchun maktabni bitirib, biroz vaqt meva va sabzavotlar savdosi bilan shug‘ullandim. Tadbirkorlikda savdo o‘z yo‘liga ekan-u, til bilish ham juda muhim ekan. Kitob do‘koniga kirib, tarjima kitoblarni sotib oldim va rus, ozarbayjon tillarini o‘rgandim. Hozir bemalol bu tillarda so‘zlasha olaman. Ko‘cha hayoti bu erkinlik. Armiya esa seni qolipga soladi. Intizomga o‘rganasan. Ilgari tongda turib, ishga, bozorga shoshardim. Endi bo‘lsa, Vatan himoyasiga otlanaman. Bu har bir er yigit uchun faxr!

Yigitlik burchimni o‘tab bo‘lganimdan so‘ng, albatta, tadbirkorlik yo‘nalishida katta ishlarni amalga oshirib, mamlakatimizda eksport salohiyatini oshirishga munosib hissa qo‘shishni maqsad qilganman. Harbiy xizmatni o‘tayotgan barcha safdoshlarimga omad yor bo‘lsin, deymen!

Oddiy askar
Saidolimxon IMYAMINOV



– Sirdaryoda “Jasorat maktabi” o‘quv yig‘ini tashkil etilganda, men ham yig‘in ishtirokchisi sifatida o‘n kun davomida harbiycha hayot kechirdim. Harbiy hayotni boshqacha tasavvur qilarkanman, o‘n kunlik yig‘in menga ko‘p narsani o‘rgatdi. Eng avvalo, inson yashashdan maqsadi ne ekanin bilib olishi kerakligini angladim. O‘sha lahzalarda qalbimda “maktabni tamomlasam, eng avvalo, harbiy xizmatni o‘tayman”, degan istak paydo bo‘lgan edi. Istagimni maktabdagi ustozlarimga aytganimda ular “Buning uchun bir qancha sinovlardan o‘tishing kerak. Ana shunda, albatta, askar bo‘lasan!” deyishdi. Mana bugun askarman – Vatan himoyachisi! Orzularim ko‘p. Kelgusida harbiy uchuvchilar safida xizmat qilmoqchiman.

Shohista ABDURAHMONOVA,
Shimoli-g‘arbiy harbiy okrug matbuot xizmati

«КЕКСАЛАР ЁШЛАР НИГОҲИДА»



Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бирида «Кексалар ёшлар нигоҳида» шиори остида «Уч авлод учрашуви» ва очик эшиклар куни бўлиб ўтди. Унда Чирчиқ шаҳри «Нуроний» жамғармаси, фахрийлар, курсантлар, ҳудуддаги ўқувчи-ёшлар ҳамда Чирчиқ давлат педагогика университети талабалари иштирок этди.

Даставвал ташриф буюрганлар ҳарбий қисмда юрт ўғлонлари учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди. Ўқувчи-ёшлар эса замонавий ўқ отиш хонасида амалий машқларни бажарди.



Шундан сўнг ҳарбий қисмда қурол-аслаҳа кўргазмаси ташкил қилинди. Ҳарбий хизматчилар йиғилганларга уларнинг тактик-техник таснифи ҳақида маълумотлар берди.

– Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад – Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлаган Мурожаатномасида назарда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш, – дейди Чирчиқ шаҳри ҳокимининг кексалар ва фахрийлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Нуроний» жамғармаси раиси Олимжон Йўлдошев. – Қолаверса, бугунги



кунда жамиятимиздаги фаол кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборатдир. Бугунги тадбир ҳам уч авлоднинг ўзаро яқинлашуви, фикр алмашишига хизмат қилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, инсон қадрини улуғлашга қаратилган амалий ишларга алоҳида тўхталиб ўтишди. Айниқса, кексаларнинг бой ҳаётий тажрибасини ёшларга етказиш, улар билан ҳамisha мулоқотда бўлиш, таълим-тарбиясига эътибор қаратишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Мудофаа вазирлиги фахрийлари, маҳалла фаоллари ва ўқувчи-ёшлар ўртасида кечган савол-жавоблар юқори кайфиятда ўтди. Тадбир якунида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатиб келаётган «Кексалар маслаҳати» гуруҳи фаоллари ва аъло ўқиш билан бирга жамоат ишларида фаол университет талабалари, «Қалқон» жасорат мактаби ўқувчилари ва ҳарбий хизматчилар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Рўзиқул ОЧИЛОВ,
«Vatanparvar»

✓ MEROS

ЗАРАУТСОЙ ҒОРИ СУРАТЛАРИ



Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён мамлакатимизда миллий маданий меросимизни асраб-авайлаш, миллий ўзлигимизни англаш, ёш авлод қалбида ўз халқининг тарихи, маданияти ва тарихий ёдгорликларига фахр-ифтихор туйғусини шакллантириш борасида давлат сиёсати доирасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Сурхондарё замини бой тарихга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Воҳада жойлашган қадимий маданий ва табиий мерос объектлари нафақат республика, балки дунёнинг кўпгина давлатларида кенг илмий қизиқиш

уйғотмоқда. Инсоният тамаддунининг бешикларидан бири бўлган сурхон воҳасида ЮНЕСКОнинг моддий ва номоддий мерослари рўйхатига киритилган маданий мерос объектларининг мавжудлиги юртимиз тарихининг қадимий ҳамда бетакрорлиги намунаси дир.

Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбида Шеробод туманининг Зараут ва Қизиллма қишлоқлари оралигида ўзининг қоятош расмлари билан машҳур Зараутсой дараси ҳамда ғори жойлашган. Зараутсой дараси 1939 йилда Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи ходими И.Ф. Ломаев томонидан илк бор тадқиқ этилган. Зараутсой қоятош расмлари юқори палеолитнинг илк даврларидан бошлаб, бронза давригача бўлган вақтни ўз ичига олади. Зараутсой қояларида мойли оҳра буюғи ёрдамида акс эттирилган кўплаб ёзувларни учратиш мумкин. Зараутсой дарасида палеолит даврига оид ғорлар кўп учрайди.

Зараутсой ғорининг тадқиқ қилиниши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қоятош расмлари 1940 йилда Ўзбекистон маданияти тарихи музейи ва Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейлари қўшма экспедицияси томонидан ўрганилди. Ўрта Осиёнинг қадимий маданиятидан дарак берувчи, очик

осмон остидаги ёдгорликлардан бири Зараутсой қоятош расмлари, нафақат Европа, балки Осиё қитъасида яшаб келган ибтидоий одамлар – кроманьонлар ҳаёт изларини кўрсатиб берувчи тарих занжирида асосий бўғинлардан бирини эгаллайди. Зараутсой ибтидоий расмлар жамланмаси бизга ибтидоий тафаккурни кашф этиш ва тушуниш, ибтидоий жамиятнинг маънавий ҳаёт тарзига назар солишга ёрдам беради. Бундан ташқари, Зараутсой қоятош расмлари ҳозиргача Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги қоятош расмлари ичида энг қадимий ҳисобланади. Шу сабабли Зараутсой дунё миқёсидаги ибтидоий маданият ва санъатнинг илк тамаддунини ўзида жамлаган ёдгорлик намунаси дир.

Зараутсой атрофидаги археологик тадқиқотлар давомида қадимий ибтидоий одамлар яшаб келган бир қанча ғорлар топилди. Ўша даврда Зараутсой ғорларининг ички қисмида тадқиқотлар олиб борилмаганлиги сабабли Зараутсойда олиб борилган илк тадқиқотлар даврида фақатгина қоятош расмларини, уларнинг чизилган тахминий даврларини ўрганиш асносида хулосалар берилган.

Умуман айтганда, ибтидоий маданият шакли – бу алоҳида маданият эмас, бал-

ки ибтидоий одамлар турмушидан келиб чиққан ҳолда пайдо бўлган. Ибтидоий одамлар овга чиқишдан аввал ўзига хос маросимлар ўтказган. Бу маросимлар бизга ибтидоий одамларнинг илк диний маросимларини кўрсатиб беради. Шунинг учун ибтидоий одам томонидан ов қилинадиган ҳайвонларни тасвирлаб бериш «ибтидоий маданият» деб номланувчи қадимий маданият ва санъатнинг шаклланишига сабаб бўлган. Расмларнинг илк намуналарида ҳайвонларнинг яқка ҳолдаги кўриниши, кейинчалик уларнинг кўпчилигида – пода билан кўриниши ва ибтидоий маданиятнинг энг юқори чўққисида нафақат ҳайвонлар расми, балки инсонларнинг тўлиқ ов жараёнлари кўрсатиб берилган. Ов жараёни тасвирланган расмларда инсонлар кўришидан фарқли равишда, ҳайвонларнинг кўриниши аниқроқ чизилганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида мезолит даврига мансуб Зараутсой расмлари каби бошқа тасвир намуналари ҳам топилган бўлиб, булар: Биронсой, Бошқизилсоп, Бургансой, Сармишсой қоя, Соймалитош, Суратлисой ва Қораўнгир қоя расмларидир.

Гулнора САРИЕВА,
«Термиз» давлат музей-қўриқхонаси илмий ходими

✓ **QO'MONDON VA YOSHLAR**

УЧРАШУВ СЕРМАЗМУН ЎТДИ



Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида «Ёшлар ойлиги» кўтаринки кайфиятда ўтказилмоқда. Нукус гарнизони маънавият ва маърифат марказида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони генерал-майор Фарҳоджон Шерматов иштирокида «Қўмондон ва ёшлар» учрашуви бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларидан келган 300 дан ортиқ ёш иштирок этди.



Учрашув самимий ва мазмунли суҳбатга бой бўлди. Қўмондон ёшларга болалиги, ҳарбий ҳаётга кириб келган йиллари, касб масъулияти ва эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб берди. Қўмондоннинг ҳар бир сўзидан улкан мотивация олган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига ҳам жавоб олишди. Суҳбат асносида қўмондон «Шиорингиз ҳамиша: «Мен буни бажара оламан!» бўлсин. Режа ва мақсадсиз яшаманг! Китоб ўқинг!» дея ёшларни билим олишга чорлади.

Учрашув давомида мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг ислохотлар ҳақида сўз борди. Бугунги куннинг муҳим вазифаси билимли, ватанпарвар ёшларни тарбияламоқдан иборат бўлиб, улар учун барча имконият ва имтиёзлар яратилган. Ҳарбий-ватанпарварлик ғояларига йўғрилган чора-тадбирларнинг амалий натижаси ўлароқ, ҳарбий бўлиш истагидаги ёшлар сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Қўмондон ёш йигитларга Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга бориш ва контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартиб-қоидалари, «Темурбеклар мактаби» ва олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш тартиби ҳақида батафсил тушунтирди.

Шу кун ёшлар учун Шимоли-ғарбий ҳарбий округ тарихи музейи ҳамда ҳарбий қисмга саёҳат ташкил этилди.

Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА,
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
матбуот хизмати

✓ **MADANIYAT**



ТЕАТР ЖАМОАСИ ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА



Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг таклифига асосан, Ўзбекистон давлат драма театри санъаткорлари жамоаси округ тасарруфидаги ҳарбий қисмлар бўйлаб гастроль сафарлари уюштириб, спектакль ва концерт дастурлари намоиш этмоқда.

Санъат аҳлининг Бухоро, Муборак ҳамда Нуристон гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмлардан кейинги манзили округ бошқарув аппарати бўлди. Дастлаб меҳмонлар округда ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди. Қишки ва ёзги кутубхоналар, айниқса, округ шонли тарихи музейи бўйлаб қилинган саёҳат меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Театрни бежизга маънавият ўчоғи, дея таърифлашмайди. Ҳарбий хизматчининг теран фикрга эга бўлиши, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қилиши унинг билим ва маънавиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Билим, назарий кўникмалар мустаҳкамланиши китоб мутолааси билан боғлиқ бўлса, маънавият камолоти учун концерт ҳамда театрларнинг ўрни бекиёс.

Айни шу сабаб Ўзбекистон давлат драма театри ижодкорлари жамоаси томонидан бошқарув аппарати маданият саройида ҳарбий хизматчилар ҳамда Қуролли Кучлар хизматчилари учун Жўра Маҳмудов қаламига мансуб, Ҳамида Маҳмудова саҳналаштирган «Садоқат» спектакли намоиш этилди.

Уруш йилларининг оғриқли лаҳзалари акс эттирилган асарни томоша қилган инсон борки, қаҳрамонларининг дарди билан ғамга ботиб, қувончидан қувонди. Моҳир ижодкорлар ижроси сабаб, томошабинлар тинчлик нақадар тотли неъмат эканига яна бир бора иқрор бўлишди.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби тадбирлар округ шахсий таркибига маънавий озуқа бўлиши баробарида, руҳий зўриқишлар ечими учун хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ
матбуот хизмати

✓ **YOZGI OROMGOHLARDA**

БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ ВА ЗАВҚ УЛАШИЛДИ

Дунёда бола кулгисидан ёқимлироқ туйғу бўлмаса керак. Болалар кулгиси бахтнинг жарангига ўхшайди. Бола – бу дунё, бола – ҳаётимиз мазмуни. Болалар ўз табассумлари орқали инсонлар қалбида ҳаётга, яшашга бўлган қизиқишни уйғотадилар. Кўзларида эзгулик ва меҳр балқиб турган болажонлар мусаффо осмонда эркин парвоз этаётган қалдирғоч мисоли.



Ёзни барча, айниқса, болажонлар интиқлик билан кутишади. Чунки ёзда оромгоҳларда ўтказиладиган кўнгилочар тадбирлар болажонларга олам-олам қувонч улашади-да. Мана шундай тадбирлардан бири Мудофаа вазирлигига қарашли «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилди.

Унда Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Махсус авария-тиклаш бошқармаси ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳарбий хизматчилари иштирок этди.

Байрамона руҳда бошланган тадбирга курсантлар томонидан яратилган робототехника воситаларининг кўргазмаси ва Фахрий қоровул чиқишлари, «Импульс» ҳарбий ансамбли ҳамда болалар ижодий жамоаларининг бадиий дастурлари ўзгача шукуҳ бағишлади. Қўшиқлар рақсларга уланди. Тенгдошларининг саҳнадаги ижросини ҳавас билан кузатиб ўтирган болажонлар бу кунни узоқ вақт ёдларида сақлайди, албатта. Энг асосийси, ёзги таътилни кўтаринки руҳда бошлаган ўғил-қизларга таътил тугагунга қадар шундай кайфият ҳамроҳ бўлиши шубҳасиз.

Тадбир ташкилотчилари томонидан мавсум давомида тадбирларда фаол иштирок этган ёшларга совға-саломлар улашилди.


Юртимизда болаларни жон-дилдан яхши кўрмайдиган, уларни суйиб, эркаламайдиган оила бўлмаса керак. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда болажонларнинг мазмунли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг бурчимиз. Зотан, болалар – оиланинг қувончи, давлатимизнинг умиди ва кучидир.

Майор Шерқўзи ХАКИМОВ
Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация
технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

✓ **SUNBAT**

ШУ ЭЛ УЧУН, ШУ ЮРТ УЧУН...

Термиз давлат университетидида «Билим ва тафаккуримиз – шу эл учун, шу юрт учун!» шиори остида «Уч авлод учрашуви» ўтказилди.



Учрашувда турли соҳаларда самарали фаолият юритган фахрийлар, ўрта авлод вакиллари, ўқувчилар, ҳарбий хизматчилар, тьюторлар, талаба-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Меҳмонлар ёш авлод вакилларига ўзларининг босиб ўтган ҳаёт йўллари ҳақида, муваффақиятлари, шунингдек, университетда яратилган замонавий шароитлар ҳақида сўзлаб беришди.

Фахрийларнинг умр йўлига боқиб, ҳар соҳада пешқадам ва етук шахс бўлишга илҳом олади киши. Мазкур тадбир талаба-ёшлар учун ибрат

ва намуна вазифасини ўтаб берди. Даврадаги самимий ва дилкаш суҳбатлар, катта ҳаёт тажрибасига эга ёши улўғлар билан мулоқотлардан тўлқинланган ёшлар ҳам ўзларининг дил сўзларини яширмадилар.

Ҳарбий оркестр жамоаси томонидан ватанпарварликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар бйроқ этилгани тадбирнинг чинакам байрамона тус олишига хизмат қилди.

Ўғилшод ХОЛМУРОВА,
Термиз давлат
университети тюрори

ШОҲСУПА

(хабарлар) 

Италиянинг Рим шаҳрида таэквондо WT бўйича Гран-при мусобақаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари биттадан олтин ва кумуш медални қўлга киритишди. Совриндорларнинг иккиси ҳам Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари бўлди.

Жаҳон чемпионатини муваффақиятли яқунлаган таэквондо WT бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Озарбайжоннинг Боку шаҳридан Италия мамлакатига йўл олди. Ҳамюртларимиз Рим шаҳрида ўтказилган Гран-при мусобақасида иштирок этишди. Регламентга кўра, Гран-при таснифидаги му-



кстонлик таэквондочилар Гран-При мусобақасида яна олтин медалга сазовор бўлди. Улуғбекдан олдин ҳамюртимиз Дмитрий Шокин 2015 йилги Москва ҳамда Манчестерда ўтган Гран-При турнирларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилганди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш

марказининг, ўз навбатида, мамлакатимиз терма жамоасининг етакчи таэквондочиларидан бири, «Токио – 2020» ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби Улуғбек Рашитов 2023 йилги мавсумдаги мусобақаларда икки (80x -68 кг, 80x -74 кг) вазн тоифасида даянга чиқмоқда. Албатта, вазн ўзгартириш ва янги рақибларга қарши баҳслашишнинг ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Шунга қарамай, MVSM вакили Рим шаҳрида ўзининг бу йилги мавсумдаги бешинчи муваффақиятига эришди. У йил бошида БААда ўтказилган «Fujairah Open – 2023» халқаро турнири, сўнг Хитойнинг Уси шаҳрида ташкил этилган «Катта дубулға» мусобақасида ғолибликни нишонлаган, Нидерландиянинг Эйндрховен шаҳрида бўлиб ўтган «Dutch Open» халқаро турнирида кумуш медални қўлга киритганди. Рим Гран-присидан олдин Боку шаҳри мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида эса Улуғбек фаолияти давомида илк бор дунё биринчилиги совриндорига айланганди.

Италия пойтахтида ўтказилган Гран-При мусобақасида MVSMнинг яна бир бой тажрибага эга спортчиси, яъни жаҳон чемпионатларининг уч карра совриндори, 2018 йилги Осиё ўйинлари ғолиби, 2018 йилги Осиё чемпиони Никита Рафалович ҳам катта маҳорат намойиш этди. БААда ўтказилган «Fujairah Open – 2023» халқаро турнирида эришилган ғолибликдан

сўнг бироз вақт халқаро мусобақаларда совриндорлар сафидан жой олмаган энг оғир (+80 кг) вазн тоифасидаги армиямиз спортчиси Рим Гран-присида дастлаб иорданиялик Фаҳед Сбейҳини мағлуб этди. У кейинги босқичлардаги рақибларидан ҳам бой тажриба эвазига устун келди. Шу тариқа финалга қадар муваффақиятли одимлаган спортчимиз ҳал қилувчи баҳсда британиялик Каден Куннингхамга имкониятни бой бериб қўйди ва шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилиб, кумуш медал билан тақдирланди.

Терма жамоамизнинг қолган аъзолари, яъни жаҳон чемпионатларининг ғолиб ва совриндори Светлана Осипова (+73 кг, MVSM), Осиё ўйинларининг кумуш ва бронза медали соҳиби Нияз Пўлатов (-68 кг, MVSM), бир қатор халқаро турнирларнинг совриндорлари Шухрат Салаев (-80 кг), Жасурбек Жайсунов (-80 кг, MVSM) ва Феруза Содиқова (-67 кг, MVSM) Рим Гран-приси якунида шоҳсупага кўтарилмаган бўлса-да, мусобақада яхши қатнашишди – «Париж – 2024» ёзги Олимпиадаси йўлида қимматли рейтинг очколарини жамғаришди.

ВЕЛОСПОРТ



Таиланднинг Районг шаҳрида ўтказилган велососсе бўйича «Париж – 2024» ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма тақдим этадиган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз ҳам шоҳсупага кўтарилди. Мусобақанинг аралаш жамоавий эстафета баҳсларида спортчиларимиз кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди. Ушбу жамоавий муваффақиятларга Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари Алексей Фомовский ва Фаррух Бобошеров ҳам ўз ҳиссасини қўшди. 23 ёшгача бўлган қизлар тоифасида Янина Кускова 111 км.га мўлжалланган дастурда марра чизигини иккинчи бўлиб кесиб ўтди ва кумуш медални қўлга киритди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА



Швейцариянинг Женева шаҳрида енгил атлетика бўйича ташкил этилган «Atletica Geneve – EAP» турнирида терма жамоамиз аъзоси Анвар Анваров узунликка сакраш бўйича 8.22 метр натижа қайд этиб, 1985 йилдан буён ўзгармай келаётган Ўзбекистон рекордини янгилади. Жанубий Кореянинг Йечхон шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган қитъа чемпионатида эса Ўзбекистон терма жамоаси 4 та олтин, 4 та кумуш ва битта бронза, жами 9 та медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида Япония, Хитой ва Ҳиндистон жамоаларидан сўнг 4-ўринни эгаллади.

ДЗЮДО



Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида дзюдо бўйича 2006–2008 йилларда таваллуд топган ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди. Ғолиблик учун кураш олиб борган 20 нафар спортчимизнинг 11 нафари мусобақа якунида совриндор бўлди. Тоҳир Файзиёв бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 3 та олтин, 3 та кумуш, 5 та бронза медални қўлга киритди. Терма жамоамиз аъзоларидан Сарвиноз Абдусаматова, Лазиза Ҳайдарова, Ойбек Ражабов олтин, Арапбой Даурбаев, Ҳасанбой Элмуротов, Азамат Облакулов кумуш, Умида Қўлдошева, Азиза Давронова, Моҳинур Аллаберганова, Иноят Телманов, Ҳакимжон Маҳкамов бронза медалга эга чиқди.

КАМОНДАН ОТИШ



Сингапурда камондан отиш бўйича Осиё кубогининг навбатдаги босқич баҳслари якунланди. Сўнгги босқичларда совриндорлар қаторидан жой олиб келаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бу гал ҳам шоҳсупага кўтарилишди. Микст дастурида кечган баҳсларда Зиёдахон Абдусатторова ҳамда Амирхон Содиқов жуптлиги бронза медални қўлга киритди. Ҳамюртларимиз ярим финалда Хитой термасига 4:5 ҳисобида имкониятни бой беришгач, учинчи ўрин учун кечган баҳсда Ҳиндистонлик мерганларни 5:1 ҳисобида доғда қодирлишди.

РАШИТОВ
РАШИТОВ
ЯНА ҒОЛИБ,
РАФАЛОВИЧ
РАФАЛОВИЧ
ЭСА!...



собақаларда жаҳон рейтингда кучли 32 талиқдан жой олган спортчиларгина иштирок этади. Шу боис мусобақада юқори рейтингда турган юртимизнинг 7 нафар спортчиси қатнашди ва уларнинг 6 нафарини Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази вакиллари ташкил этди.

Боку шаҳрида жаҳон чемпионатининг бронза медалини қўлга киритган армиямиз спортчиси Улуғбек Рашитов Рим шаҳридаги мусобақада ҳам катта саҳнага чиқди. -68 кг вазн тоифасида жанг қилган MVSM вакили барча рақибларини, жумладан, финалда венгриялик Левенте Жозсани 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди. Шу тариқа 8 йиллик танаффусдан сўнг ўзбе-

БЕШИНЧИ ФАСА



Кунларнинг бирида, тонг чоғи умри муҳаббат аталмиш буюк туйғудан бебахра ўтганини англаб қолди. Ҳа, бу фавқулодда ажойиб севги қиссасини ўқиб тугатган кечанинг охирида содир бўлди. Аллақачон қирқни қоралаб қўйган аёл учун бу ғалати, нотабий ҳолат эди. Ҳарнечук, Шамсия ўша субҳидамда нафақат уйқудан, балки узоқ ғафлатдан уйғонгандек бўлди. Ана, ёстиғи ёнида ўша китоб. Кеча оқшом унинг сўнгги саҳифаларини мутолаа қилаётган маҳал асар билан бирга ширин кечинмалари, хаёлий оламдаги ишқдан сармаст ҳаёти тугаб қолаётгандек орзиққан эди.

Китоб тугади... У гўёки юксак-юксакларда чарх уриб парвоз қилаётган қуш, зерикарли соҳилга қўнди-да, энди ҳеч қачон учмаслигини, уча олмаслигини англаб етди. Бунга тан олиш... жуда оғир эди. Эрини уйғотиши керак. Бугун нималарни ҳис қилаётгани ҳақида гапириш учун эмас, албатта. Мансурнинг ишга жўнаш вақти бўлди. Сўнг болаларни уйғотиши, нонушта тайёрлаши, ҳаммани ўқишга, ишга кузатиши, бу орада ўзи ҳам таратқиланиб, ҳар кунги йўл билан идорага равона бўлиши керак. Одатдаги оддий кун. Бошқача бўлишининг иложи йўқ...

– Бирон жойингиз оғриятими?

Ҳар доимги савол. Уни хо-муш кўрди дегунча, Мансур шундай деб сўрайверади. Нима десин экан? «Кўнглим оғриятми». Йўқ, бу жавоб эмас.

– Шунчаки, чарчадим. Иш кўпайиб кетганди кеча.

– Ҳадеб иш, иш деявермай, ўзингизга ҳам қаранг!

Бу ҳам доимги гап. Лекин бугун унга бошқача таъсир қилди. «Кўнглингизга ҳам қаранг!» деб эшитилди...

Кун бўйи қўли ишга бормай, паришон юрди. Тўрт фаслнинг бекиёс жозибларини бешинчи фасл қаердадир гуллаб ётар, эски йўлда бир маромда илгарилаётган умр карвони уни четлаб ўтиб борарди... Кимгадир бу ҳақда гапиргиси келди. Гапириб бўлармикин? «Бугун ўйлаб кўрсам, ҳеч қачон ҳеч кимни севмаган эканман», дейдими? Шу ёшда аёл боши билан-а? Бу висол, эҳтирос истаги эмас, ТУЙҒУга эҳтиёж эканини ким тушунади? Ўша буюк туйғуни

англашга интилаётган аёлнинг озурда қалбини тушунар одам ким? Ўша куни синфдош дугонаси Нургул сим қоққанида суюниб кетди: мана, унинг нажоткори!

– Онам бизниқидалар. Сени сўраяптилар. Ётиб қолгани кел. Мансур акани ўзим кўндирман.

Шундай бўлдики, икки дугона ҳамма ухлагач, ариқ бўйидаги супада юлдузларга термилиб, бир маҳалгача гурунглашиб ўтиришди. Нургул зийраклик қилди:

– Ўзингга ўхшамаяпсан. Ишинг, оиланг тинчми?

– Ҳаммаси яхши. Лекин... мен яхшимасман. Худди ҳаво етишмаётгандек. Кулгили, а?!

– Ҳечам кулгилимас-да! Сени биламан-ку, коса тагида нимкоса қилиб гапирасан. Нимадир бўлган!

– Айтарли ҳеч нарса, – деди-да, ўртоғига ялт этиб қаради: – Сен эрингни яхши кўрасанми? Йўқ, севасанми?

Нургул бир дамлик сукутдан кейин хайрон жилмайиб деди:

– Тавба, ҳалиям романтиксан-а! Албатта, ҳа-да!

– Ана, кўрдингми! Шу етишмаяпти менга! Унақа қарама. Ҳа, эрим яхши одам. Аммо мен уни ҳеч қачон севмаганман.

Нургулнинг кўзлари катталашди:

– Нима бало, биронтаси билан?..

– Ээ, қўйсанг-чи! Мен унақа ўлдим-куйдимларни айтаётганим йўқ. Бошқа бировни хатто туш кўришга кўрқаман-ку! Шунчаки, муҳаббат ҳақида бир ажойиб китоб ўқиб, ўйланиб қолдим. Юрагим бўм-бўш экан. Ҳеч кимни севмабман.

– Бунақа гаплар энди бизга ярашмайди. Китобларга кўпам ишонма. Ҳаёт бошқа. Бошингни қотириб нима қи-

ласан? Сени жон-дилидан яхши кўрадиган эринг бор, яна нима керак?

– Мен-чи? У яхши кўрса бўлди-ми?

Нургул уни доим тушунган. Аммо бу сафар дардини англамади. Ухлаб қолди.

«Тавба, қаердан тушди бошимга бу савдо? Йўқ, битта китоб одамнинг хаёлини бунчалик ағдар-тўнтар қилолмайди, бу шунчаки бир туртки эди холос. Йиллар армони бу. Ўзи қандай одам керак эди менга? Нега Мансурни севолмадим? Соддадил, оққўнғил, келишган йигит эди. Институтда шунча қиз туриб, менга ишқи тушди шўрликнинг. «Қишлоқи», деб назар-писанд қилмадим. Кейин-чи, кейин нима бўлди? Қандай қилиб бошим айланиб, унга тегдим?»

Шамсия хаёлан ўша кунларга қайтаркан, тарқоқ ўйлари жамланиб, оппоқ далалар томон етаклаб кетди... У Мансурга қайрилиб ҳам қарамасди, аммо пахта терими бошланди-ю, йигитга бахт кулиб боқди. Даланинг бола-си эмасми, пахтани шипириб терарди. Ғўзани фақат суратларда-ю телетасвирларда кўрган Шамсия эса теримнинг биринчи кунёқ нормани ба-жаролмаганлар сафида ўртага чиқиб, қизариб турди. Шунда Мансур жонига аро кирди: «Майли десангиз, ёрдам берардим!» таклиф қилди йигит кўрқа-писа. Шамсия «марҳамат» кўрсатди – биринчи бор уни табассум билан сийлади. Шу-шу йигит бечора Шамсияга банди бўлди-қолди. Икки кишилик нормани бажариш учун ҳолдан тойгунча ишласа ҳам, ортидан соядек эргашиб юрар, то мавсум тугагунча ундан бахтиёр одам йўқ эди. Бу бахтиёрлик йигит-терим тугаши билан барҳам топди. Шаҳарга қайтгач, яна ҳамма ўз «мақоми»га қайтди. Ҳаммаси ўзгарди, Мансурнинг туйғуларига ўшандайлиги-ча қолди. Кейинги мавсумни кутиб яшади... Бу ҳол ҳар мавсумда такрорланаверди. Бировлар йигитга ачинар, яна биров уни орсизликда айблар, лекин ҳамма Мансурнинг девоналарча севиб қолганини биларди. Ўххў, Шамсия учун нималар қилмади, бу далли ошиқ! Бутун институтга донғи кетди, ҳамма тан берди. Севгилисидан бошқа, ҳамма...

Шамсия бир орзиқиб кетди. Ростданам, шундай одамни нега севмади?

«– Кўнғил экан-да, – ўйлади у. – Унда нимага тегдим ўзи? Бу нима эди – ўрганишми, суянишми, ҳурматми? Шунчаки, турмушга чиқиш вақти етгани учунми ё? Шуниси тўғридир. Лекин... ростданам, энди бу ҳақда ўйлашнинг ўзи ғалати».

Кунлар ўтаверди, ўтаверди. Шамсия ўша китобни кўздан нари жойга яшириб қўйди...

– Алло?

– Бу Мевазор кўчаси, 17 ми?

– Ҳа.

– Неъматов Мансур сизга ким бўлади?

Шамсия бироз ўнғайсизланиб, жавоб берди:

– Эрим. Сиз кимсиз?

– Опа, марказий шифонадан безовта қияпмиз. Фақат сиз ваҳима қилманг. Эрингизни ҳозиргина олиб келишди.

Шамсия шилқ этиб креслога ўтириб қолди.

– А?!

– Автоҳалокат рўй берган. Фақат ваҳима қилманг, ҳали умид бор...

Қандай қилиб кўчага чиқди-ю, касалхонага қандай етиб келганини билмайди. Ичкарига киритишмади. Юз ифодаси мавҳум оқ халатлилар безовта кириб-чиқаётган эшик олдида зор йиғлаб ўтирди. Агар Мансур... Усиз қандай яшайди? Усиз яшаш мумкинми ўзи? Борлиғи, ҳар нафаси, ҳар лаҳзаси Мансур билан эди-ку! Болалар-чи? Йўқ, йўқ, йўқ!

Анчадан бери тинмаётган телефон қўнғироғини пайқаб қолган пайтда, миясига яшин тезлигида бир ўй урилди: Телефон! Кимларгадир хабар бериши керак! Қудрат акага айтиши керак, у нимадир қилади. Чўнтагидан чиқарди-ю... қотиб қолди. Мансурнинг рақами! Миясида сониясига ўнлаб ўйлар чарх урди. Ҳалокат жойидан топиб олишган бўлса керак. Титроқ қўли билан яшил тугмачани босди, гапиришга эса мажболи етмади.

– Шамсия?

Во дариғ, эрининг овози-ку! Беихтиёр жонлантириш хонаси эшигига қаради.

– Шамсия! Нега индамай-сиз, тинчликми? Неча марта қўнғироқ қилдим, олмаяпсиз. Қаердасиз?

Шамсия дудуқланди:

– Сиз... Сиз... қаердасиз?

– Мен қаерда бўлардим, ишдаман! Нега йиғлаяпсиз? Нима бўлди?

Шамсиянинг қўлидан телефон тушиб кетди...

...Мансурнинг илиқ кафти. Меҳр тўла нигоҳи.

– Тузукман, дадаси, тура қолай?

– Йўқ, турмайсиз. Болалар овқат қилишяпти. Чақиришса, чиқамиз. Унгача ёнингизда бўламан.

Шамсия беҳол жилмайди.

– Паспортингизни Қудрат акага нега берувдингиз?

– Тиниб-тинчимас-да, бу Қудрат ака! Фирмасига маҳсулот олиш учун ишончнома керак экан, оддий расмиятчилик. Илтимос қилувди, йўқ деёлмадим. «Боргунингизгача хужжатларни тайёрлаб турман», деб кеча паспортимни олганди. Фалокатни қаранг.

Юзидан таниб бўлмас даражада экан, чўнтагидаги хужжатга қараб... Бунақа бўлишини ким билибди дейсиз! Сизни қийнаб қўйдим.

– Ҳечқиси йўқ. Ўзи яхшиман, Қудрат акангиз?

– Ҳа, ҳушига келди.

– Хайрият, – дея Шамсия бир лаҳза жим қолди ва эрига меҳр билан тикилди: – Мансур ака?

– Лаббай?

– ...

У эрининг қўлларини маҳкам сиқди. Илгари англамагани, буюк бир ТУЙҒУни ҳис этди. Аёл йиғлаб юборди...

Ортиқча маросимларга, тўйга, дабдаба ва обрўга қизиқиш борасида бизнинг аёлларга етадигани бўлмаса керак. Масалан, мен ортиқча маросимларни доимо қоралаб келганман, оиламизда катталар даврасида ҳам бу мавзудаги гапларни таб тортмай айтиб юборганим учун доимо (аёллардан!) танқидга учрайман. Лекин барибир гапирмаса бўлмайди, шекилли...

«ТҮЙ ДИРАДИ АНЖАНЧАСИГА...»

Кимлардир ушбу сатрларни ўқигач, мийиғида кулиб қўйди, кимлардир ҳайрон бўлди, яна кимдир ачинди. Айниқса, тўй ташвиши яқин турганларнинг юрагига яна бир бора гўлгула тушгани аниқ. Шу ўринда «Нега бизникилар тўйдан кейин елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди, дейишади?» деб кўтарган масаласи ёдимга тушиб кетди. Ҳақиқатдан-да, ўз номи билан тўй, яъни хурсандчилик бўлса-ю, аслида тўйларимиз биз учун ташвиш саналади, катта тоғ саналади, жуда баланд бир тўсиқ ҳисобланади. Уни ошиб ўтиш учун эса, эҳхеее қанча қийинчиликлар бор...

Хўш, биргаллашиб шу ортиқча бош оғриқларини камайтирсак, кимга фойда? Албатта, бизга фойда, сизга фойда, ҳаммага фойда!

Орамизда шундай бўлишини хоҳлайдиганлар йўқ дейсизми? Бор! Бор бўлганда қандоқ! Ишонмасангиз, исталган эркакка мурожаат қилинг, аксарияти тўй билан боғлиқ бундай ортиқча хархашалардан безор эканликларини айтишади.

Энди деталли таҳлилга ўтамиз. Қаранг, тўйдан олдин томонлар бир-бирларига сарпо қилишяпти. Тўн, кўйлак, жемпер ва яна бир балолар кела бошлади. Улар томонларга ҳар доим ҳам ёқавермаслигини барчамиз биламиз-ку! Ахир куёвнинг ҳам, келиннинг ҳам размери, ёқадиган, ёқмайдиган бичимдаги кийимлари, ўзига хос кийиниш услуби, диди бор. Кейин сарпо келган уйда «сабабчи бўлмиш»нинг қариндошлари ҳозир бўлишади ва сарполар қўлма-қўл қилиниб, «текшириб чиқилади». Ана шундан бошланади ғийбатнинг каттаси! Ҳали тўйгача анча бор, лекин қудалар бир-бирлари билан энди-энди танишаётган онлардаги воқеаларни кўраверинг.

Хўш, унда сизнингча бунинг давоси нима, деб сўрамоқчидирсиз? Ахир бунинг ечимини жуда оддий-ку! Тўйгача иккала тараф ҳам фарзандларини ўзлари кийинтириб олишсин, вассалом! Ҳеч қандай гап-сўзга ҳожат қолмайди, муносабатларга ҳам дарз кетмайди ва ҳоказо. Нега шундай қилмаймиз? Ёки бу маросимларнинг бирор шаблони, бирор қонуни билан чегаралаб қўйилган жойи борми? Одат-одат деймиз, одатларимизнинг роса ёмонлигини ўзимиз билмаймиз. Йўқ, биламиз, жуда яхши биламиз, лекин ўзга инсонларнинг гап-сўзи, муносабати жуда муҳим биз учун!

«Униси унақа дейди-да, буниси бунақа дейди-да... Фалончи гапирди... қилмаса бўлмайди... маҳалла-кўй гапирди...»

Хўш, гапирса нима қилибди? Гапирмавермайдими, оғзини тўлдириб! Бир гапирди, икки гапирди, охири чарчайди. Лекин сиз, ўзингиз маза қиласиз! Мен айтганларни биин қилиб кўринг-а! Янги қудангиз билан келишинг. Агар сарфни ҳисоблаб чиқилса, ўша янги қудалар бир-бирларига олиб берадиган сарфнинг киймати тахминан бир хил чиқса керак, менимча. Ҳар ҳолда, бу борада ҳам ҳеч ким «ютқазмайди».

Худди андижонлик опамиз айтганларидек, тўйнинг қандай ўтиши ҳақида бугунча биз ҳам тўхталмаймиз. Чунки жуда алғов-далғов, тўполон,

тартибсиз тўйларимиз ҳақида кўп гапирилган. Кейинги бўлим – тўй орти.

Юқорида ўқидингиз, опамиз бизга айтиб берган фикрларида: «Бизнинг Андижонда, айниқса, қиз узатиш қийинроқ», дедилар. Кўряпсизми, аёл кишининг ўзи тан оляпти, яъни ўзига қолса, уларга ҳам ёқавермайди бундай тўйлар. Тўғри-да, тўйдан олдин 30–40 талаб сават қилган, бу ҳам етмаганидек зўрға-зўрға ишлаб топган пулларини сарполар учун бир зумда ишлатиб юборган аёлга тўйдан сўнг яна бир ҳафта уч маҳал овқат ташиш, яна бир ойча ҳафтада икки марта тоғораларда палов олиб бориш қандай қилиб ёқиши мумкин? «Яна тўйдан кейинги маросимларнинг кўплигини айтмай-сизми? Номларнинг жарангдорлигини қаранг, бир янграганда эркакларнинг юрагини уюштиради.

Биласизми, бизда қанақа оила кўп? Ўртаҳол оилалар кўпроқ, тўғри гапирдимми?! Нега улар баъзи бир ўзига тўқ оилаларнинг қилмишларидан азоб чекишлари керак?

Шу мақолани ёзиш жараёнида андижонлик бир танишимизга шундай мавзуда фикр юритаётганимни айтдим. Сўхбат жараёнида «Андижонда нега шундай, бу харажатларни бироз енгиллаштирсаларинг бўлмайди?» дея савол бердим. Шунда у қизиқ бир воқеани айтиб берди.

Бир кишининг миясига айнан мен айтаётган фикр (бироз бошқачароқ шаклда) келибди. Тўй ўтгач, куда томонга бориб, шундай дебди: «Шу қизим энди бутунлай сизларники. Нима қилсаларинг бутунча сизларга топширдим. Шу десаларинг, бир қоп гуруч, бир бидонда ёғ ва яна бир неча хил сабзавотлар олиб келдим. Ўзинглар хоҳлаганларингча овқат қилиб еяверинглар, шунда сизга ҳам осон бўлади, бизга ҳам». Йўқ, нариги куда бунга розилик бермабди. Натижада яна ўша ҳаммани қийнайдиган эски удум – 40 кунгача ош олиб бориш, минг хил оворагарчилик давом этибди.

Андижонлик бир қиз эса менга қуйидаги фикрларни ёзиб берди: «Андижонда яна бир одат борки, баъзилар бунини эшитиб кулса, баъзилар ачинганидан бошларини сарак-сарак қиладилар. Бу одатни тўйда ҳам, андижонликларнинг «ўтириш»ларида ҳам кузатишингиз мумкин. Бунга Андижонда оддий ҳол сифатида қарашади. Хуллас... аёлларга тортилган овқатлар, ширинликлар, мева-ю қанд-қурслар, умуман, дастурхонга

н и м а и - ки қўйилган бўлса, ўша нарсаларнинг ҳаммаси келган меҳмонларнинг тугунларига солиб берилади. Меҳмонлар тўйгунича меҳмондорчиликда еганлари етмаганидек, ортиб қолганларини ҳам олиб кетишади. Ажабланарлиси, бу одат баъзан эркакларда ҳам кузатилади. Фараз қилайлик, айнан мана шу одатни бошқа вилоятларда қилиб кўринг...»

Бу жумлаларни ўқиб, менинг ҳам гувоҳ бўлганим бир воқеа ёдимга тушди. Андижонлик бир гуруҳ меҳмонлар (тахминан 14 киши, ҳаммаси аёллар) қўшни вилоятга меҳмондорчиликка келишган. Уларнинг орасида ўша мен айтаётган вилоятдан Андижонга ва Андижондан шу ерга келин бўлиб тушган икки аёл бор эди. Улар Андижон одатларини яхши билганлари учун вазиятга олдинроқ баҳо беришган ва шунга тайёрланиб ҳам қўйишган. Меҳмонларнинг кетишларига атаб ҳар бирларига турли қанд-қурслар, ширинликлар, мевалар солинган пакетлар тайёрлаб қўйилган. Чунки дастурхонга тортилган ноз-неъматларнинг ҳаммасини ҳам бериб юбориш уларнинг қўлидан келмас эди. Лекин меҳмондорчилик якунланадиганда не кўз билан кўришсинки, меҳмонлар ўз одатларига кўра, дастурхон устини бўшатиб, бор нарсани хонтахта тагига тўплаб қўйишган экан. Яъни олиб кетиш учун. Бу воқеа нима билан тугагани менга қоронғи ҳаммаси эсимда йўқ. Лекин аниқки, ўша куни роса асаб-бузарлик бўлган.

Хуллас, гапирмаверсак, гап кўп. Ҳали буларнинг давоми чиқади. Биз эса одатларимиздан нима олиб ташланса, нима қолса мақсадга мувофиқ бўларди, шу ва шу каби саволларга жавоб қидиришда давом этамиз.

Беҳзод АҲМАДЖОНОВ,
журналист



JARAYON

HUQUQIY HIMOYA VA IMTIYOZLAR

Toshkent harbiy prokuraturasi tashabbusi bilan Qurolli Kuchlar davlat muzeyida harbiy qismlarda tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanayotgan outsorserlar ishtirokida uchrashuv tashkil qilindi.



Tadbirida Toshkent harbiy prokurori adliya polkovnigi A. Boboyev, tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakillik xodimlari hamda tuman davlat soliq inspeksiyasi mas'ul shaxslari ishtirok etishdi.

So'zga chiqqanlar tadbirkorlik subyektlarining huquqiy himoyasi, yurtimizda tadbirkorlik sohasida olib borilayotgan islohotlar va tadbirkorlarga berilayotgan soliq imtiyozlari haqida tushuntirishlar berishdi.

Uchrashuv davomida ishtirokchilar bilan Qurolli Kuchlar davlat muzeyi bo'yab ekskursiya tashkillashtirildi.



Farrux SAYSULTANOV, Toshkent harbiy prokurorining o'rinbosari

MUSOBAQA

Mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti Toshkent viloyati kengashi tomonidan viloyat texnik va amaliy sport turlari markazida "Mohir mergan" sport musobaqasi tashkil etildi.

MERGANLAR BELLASHUVI

"Yoshlar oyligi" doirasida "Yangi O'zbekiston – yoshlar mamlakati" shiori ostida o'tkazilgan bellashuvda Qibray tumanida istiqomat qiluvchi, "Temir daftar" va "Yoshlar daftari"da hisobda turgan 50 nafarga yaqin o'quvchi-yosh ishtirok etdi.

Musobaqaning ochilish marosimida so'zga chiqqanlar "Vatanparvar" tashkiloti faoliyati haqida gapirar ekan, yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ular orasida sportning texnik hamda amaliy turlarini ommalashtirishdagi hissasini e'tirof etishdi va o'tkazilayotgan musobaqa ham shu jihati bilan qimmatli ahamiyatga ega ekanini ta'kidlashdi.

Qizg'in va ko'tarinki ruhda boshlangan bellashuv davomida yoshlar pnevmatik quroldan o'q otish bo'yicha kuch sinashib, merganlik bobidagi mahoratlarini namoyish qilishdi. Bahslarni markazning tajribali murabbiylaridan iborat hakamlar hay'ati baholab bordi.

ARMYADA BIR KUN



TA'TIL MAZMUNLI O'TMOQDA

O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi organlari tomonidan harbiy shaharchalarda harbiy xizmatchilar farzandlarining bo'sh vaqtlarini sermazzun va maroqli o'tkazilishini ta'minlash borasida qo'mondonliklar bilan hamkorlikda muntazam ravishda tadbirlar o'tkazib kelinmoqda.

Samarqand harbiy prokuraturasi tomonidan Kattaqo'rg'on shahrida "Yangi O'zbekiston yoshlari, birlashaylik!" shiori ostida o'tkazilgan ma'naviy-ma'rifiy tadbir shular jumlasidan.

Kattaqo'rg'on yoshlari shahar hududidagi harbiy qismlardan biriga taklif etilib, armiya va harbiy xizmatchilar hayoti bilan tanishtirildi hamda harbiy prokuror tomonidan yoshlarga berilgan imtiyoz va imkoniyatlar to'g'risida ma'lumotlar berildi.

Shundan so'ng harbiy xizmatchilarning farzandlari yozgi ta'tilini mazmunli va maroqli o'tkazishlari uchun harbiy qismda rasm chizish, shaxmat va shashka bo'yicha musobaqalar o'tkazildi va g'oliblar munosib taqdirlandi.

Bundan tashqari, harbiy xizmatchi turmush o'rtog'ining murojaati bo'yicha unga tikuv mashinasi jamlanmasi olib berilib, bandligi ta'minlandi.



Adliya polkovnigi Sherzod XAYITOV, Respublika Harbiy prokurorining katta yordamchisi

Musobaqa yakunida g'oliblar aniqlandi va munosib taqdirlandi. Tadbir so'ngida yoshlar Toshkent viloyati texnik va amaliy sport turlari markazi faoliyati bilan yaqindan tanishdi.



Baxtiyor YULDASHEV, mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti Toshkent viloyati kengashi

HUQUQBUZARLIKLAR PROFILAKTIKASI

ARMIYA PROKURORI KUNI

Chirchiq harbiy prokuraturasi tomonidan huquqbuzarliklar profilaktikasi kuni munosabati bilan jinoyatchilik va huquqbuzarlikning oldini olishga qaratilgan profilaktik tadbirlar o'tkazib kelinmoqda.

Xususan, harbiy intizom va huquq-tartibotni mustahkamlash, huquqbuzarlikning oldini olish va profilaktika qilish yuzasidan Chirchiq harbiy prokurori Q. Anarboyev tomonidan Mudofaa vazirligi tizimidagi harbiy qismlarning birida "Armiya prokurori kuni" targ'ibot-profilaktika tadbiri tashkil etildi.

Unda "Harbiy xizmatni o'tash tartibiga qarshi jinoyatlar" mavzusida tushunchalar berildi hamda sodir etilishi mumkin bo'lgan nojo'ya xatti-harakatlarning oldini olishga qaratilgan choralar haqida fikr-mulohazalar bildirildi.

Tadbir davomida harbiy xizmatchilar o'zlarini qiziqtirgan savollarga javob olishdi.

Adliya podpolkovnigi Sultanmurad KALENDEROV, Chirchiq harbiy prokurori yordamchisi

UCHRASHUV

RAHBAR VA YOSHLAR

Navoiy garnizonidagi harbiy qismlarning birida Navoiy harbiy prokuraturasi, harbiy qism qo'mondonligi va Yoshlar ishlari agentligi viloyat boshqarmasi bilan hamkorlikda "Rahbar va yoshlar" uchrashuvi bo'lib o'tdi.



Unda viloyatdagi oliy o'quv yurtlarida tahsil olayotgan 63 nafar talaba va muddatli harbiy xizmatchilar ishtirok etdi.

Uchrashuv davomida yoshlarga huquqiy bilimlar, ayrim qonunlarga kiritilgan qo'shimcha va o'zgartirishlar yetkazilib, harbiy xizmat to'g'risida ham tushuncha berildi.

Shuningdek, yoshlar tomonidan berilgan huquqiy savollarga Navoiy harbiy prokurori J. Urinov va boshqa mutasaddilar atroflicha javob berishdi.



Adliya podpolkovnigi Sanjar BAXRONOV, Navoiy harbiy prokurori katta yordamchisi

O'zbekiston jamoasi xalqaro musobaqa sovrindori

Rossiya Federatsiyasining Krasnodar o'lkasidagi Qora dengiz sohilida joylashgan mototrassada 15 ta davlat sportchilari o'rtasida motokross bo'yicha "Winline Hamdo'stlik Kubogi – 2023" xalqaro musobaqasi bo'lib o'tdi.



Rossiya, Armaniston, Belarus, Janubiy Osetiya, Qozog'iston, O'zbekiston, Qirg'iz, Tojikiston, Ozarbayjon, Mo'g'uliston, Janubiy Koreya, Xitoy, Hindiston, Turkiya va Italiyaning eng yaxshi motokrosschilari 65 kub.sm, 85 kub.sm, 125 kub.sm (ayollar, yoshlar), "MX1", "MX2" va "MX Open" sinflarida bellashdilar.



Aytish mumkinki, ushbu nufuzli musobaqani ikki kun davomida butun dunyo bo'ylab ekstremal sport muxlislari katta qiziqish va hayajon bilan kuzatdilar.

Quvonarlisi, xalqaro kubok musobaqasida O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti sportchilaridan iborat O'zbekiston milliy terma jamoasi a'zolari – Emran Ablyazov 125 kub.sm ("MX2"), Jasur Samatov 250 kub.sm ("MX1") va Konstantin Sichyov "MX Open" sinflarida qatnashib, umumjamoa hisobida faxrli 3-o'rinni egalladilar.

Birinci o'rin Rossiya, ikkinchi o'rin esa Qozog'iston terma jamoalariga nasib etdi.

G'olib va sovrindorlar pul mukofoti, medal va esdalik sovg'alar bilan taqdirladilar.

TRIATLON

Samarqandda championlar aniqlandi

Samarqand shahrida O'zbekiston triatlon federatsiyasi bilan hamkorlikda sportning triatlon turi bo'yicha O'zbekiston chempionati o'tkazildi.



Unda respublika miqyosida "Vatanparvar" tashkiloti tizimida triatlon sport seksiyalarida shug'ullanayotgan 100 ga yaqin sportchi g'oliblik uchun bahs olib bordi. Sportchilar musobaqa shartlariga ko'ra, super sprint, sprint va standart yo'nalishlarida suvda suzish, velopoyga va yugurish bo'yicha o'zaro bellashdilar.



Murosasiz va qizg'in kechgan chempionat quyidagi natijalar bilan yakunlandi:

"ELITA" TOIFASI BO'YICHA:

Erkaklar o'rtasida:

- 1-o'rin: Aleksandr Kurishev (Toshkent sh.)
- 2-o'rin: Yuriy Galushko (Toshkent sh.)
- 3-o'rin: Zohid Adhamov (Farg'ona v.)

Ayollar o'rtasida:

- 1-o'rin: Alina Xakimova (Navoiy v.)
- 2-o'rin: Oydina Ikramova (Namangan v.)

"U-23" TOIFASI BO'YICHA:

Erkaklar o'rtasida:

- 1-o'rin: Arslon Tursunov (Qashqadaryo v.)
- 2-o'rin: Kamron Xodjayev (Toshkent sh.)
- 3-o'rin: Dilshod Ruzmetov (Qoraqalpog'iston Resp.)

Ayollar o'rtasida:

- 1-o'rin: Muslima Djumabayeva (Toshkent sh.)
- 2-o'rin: Malika Toshpulatova (Qashqadaryo v.)

16-19 YOSHDAGILAR TOIFASI BO'YICHA:

O'g'il bolalar o'rtasida:

- 1-o'rin: Sultan Aliyev (Toshkent sh.)
- 2-o'rin: Abdullajon Qoraboyev (Toshkent sh.)
- 3-o'rin: Ikromxon Umarov (Toshkent sh.)

Qizlar o'rtasida:

- 1-o'rin: Dilnura Xolnizozova (Navoiy v.)
- 2-o'rin: Elnora Haqnazarova (Qashqadaryo v.)
- 3-o'rin: Mashhura Yusupboyeva (Qoraqalpog'iston Resp.)

15-17 YOSHLI O'SMIRLAR TOIFASI BO'YICHA:

O'g'il bolalar o'rtasida:

- 1-o'rin: Yegor Yegorov (Toshkent sh.)
- 2-o'rin: Azizillo Abdilhodiyev (Andijon v.)
- 3-o'rin: Muhammadyusuf Abduhalilov (Andijon v.)

Qizlar o'rtasida:

- 1-o'rin: Diana Bektemirova (Toshkent sh.)
- 2-o'rin: Dayana Lukiyenko (Toshkent sh.)
- 3-o'rin: Nadejda Troshina (Qashqadaryo v.)

G'olib va sovrindorlar O'zbekiston triatlon federatsiyasi va "Vatanparvar" tashkiloti tomonidan medal, diplom hamda qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirlandi.



UCHIQ ESHIKLAR KUNI

"Vatanparvar" tashkiloti — mening tanlovim!

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti Xorazm viloyati kengashi tasarrufidagi Urganch shahri avtomobil sport-texnika maktabida "Vatanparvar" tashkiloti – mening tanlovim!" shiori ostida ochiq eshiklar kuni o'tkazildi.



Mamlakatimizda "Yangi O'zbekiston yoshlari, birlashaylik!" shiori ostida o'tkazilayotgan "Yoshlar oyli" munosabati bilan tashkil etilgan ushbu tadbirda mahallalarda istiqomat qilayotgan yoshlar va hozirda yozgi ta'tilni o'tkazayotgan umumta'lim maktablarining o'quvchilari ishtirok etdi.

Tadbirda yoshlarga "Vatanparvar" tashkiloti tarixi, bugungi kunda tashkilot tomonidan harbiy-vatanparvarlik tarbiyasi, sportning texnik va amaliy turlarini ommalashtirish hamda mehnat bozorida talab yuqori bo'lgan texnik kasb mutaxassislarini tayyorlash bo'yicha qilinayotgan ishlar, shuningdek, bu ishlarni amalga oshirishda yoshlar uchun yaratilgan imtiyozlar to'g'risida ma'lumotlar berildi.



Tashkilot tizimidagi "Avtokross", "Motokross", "Karting", "Duatlon", "Yozgi biatlon", "Pnevmatik quroldan o'q otish", "Modelizm" kabi sportning texnik va amaliy turlari bo'yicha seksiyalarning ko'rgazmalar namoyishi yig'ilganlarning katta qiziqishiga sabab bo'ldi.

Yoshlar Urganch shahri avtomobil sport-texnika maktabida ommaviy texnik kasb mutaxassislari bilan bir qatorda radioaloqa va radiotelegrafiya mutaxassislari tayyorlanishi jarayoniga ham guvoh bo'ldilar. Ushbu yo'nalishda tahsil oladigan aksariyat yigit-qizlar O'zbekiston Qurolli Kuchlari tizimida faoliyat yuritishi tashrif buyuruvchilar uchun qiziqarli ma'lumot bo'ldi.

Tadbirda davomida yoshlar "Vatanparvar" tashkilotining avtomototransport haydovchilarini tayyorlash kursi faoliyati, zamonaviy texnologiyalar bilan jihozlangan o'quv xonalari va trenajyorlar bilan tanishdilar.

Эрталаб ўрнидан туришга ҳоли бўлмай ётган Нуршода телефонидаги соат бонгини икки-уч бор ўчириб қўйди. Охири базўр жойидан қўзғалди. Талаба шериклари аллақачон дарсга кетиб бўлган. «Менга нима бўляпти, намунча ҳолсиз бўлмасам», оёғини судраб, ювиниш хонасига кирди. – «Рангим ҳам оқариб кетибди, дўхтирга учрамасам бўлмайди, шекилли», – ойнага қараб, истамайгина ўзини тартибга келтирди. – «Нима бўлганда ҳам университетга боришим зарур. Бир пиёла чой ичиб олсам бўлгани», – аста ошхонага бош суқди. Стол устидаги бетартибликни кўриб, қизнинг баттар кайфияти тушиб кетди. Бу ҳам етмагандек, қовурилган тухум хидидан ўхчишга тушди. Ошхонадан отилиб чиқди-ю, юраги гупиллаб ура бошлади: «Наҳотки...»

– Ёмон ваҳимачисан-да, Нуршода, – боғдаги ўриндикда маъюс ўтирган қизнинг қўлидан тутди Чинали, – таниш шифокорим бор, эртага олиб бораман, ҳаммаси яхши бўлади. Қизларнинг «фигурам» бузилади, деб овқат емаслиги чатоқ-да. Шундоғам гўзалсан, ягона!

– Сизга тушунтира олмадим, шекилли, мен оддий касалга ўхшамаяпман, – қўлини тортиб олиб, юзини беркитди қиз.

– Айтмоқчисанки...

– Ҳаа, энди нима бўлади? – йиғлаб юборди у.

– Кутилмаган янгилик, мен учун «сюрприз» деса ҳам бўлади, – Нуршоданинг елкаларидан кучди Чинали. – Эр-хотинимиз, никоҳимиз бор. Бу дегани фарзанд кўришга ҳақлимиз.

– Унда тўйимизни бир ойга қолмай ўтказишимиз керак. Бўлмаса, боладан воз кечишимизга... – у ёғига тили бормай, ўксиб, йиғлашга тушди қиз.

– Асло, асло боламиздан воз кечмаймиз! Бу гапни бир гапирдинг, иккинчи бор тилингга олма!


– Мен-ку, ўгай онаси сотиб юборган етим қизман, сизнинг ота-онангиз нима дейди?

– Келин ҳақида гап очганларидан, менга келин изламанглар, ўзим ёқтириб оламан, деб айтганман. Ота-онам тушунган инсонлар, ҳеч қачон мажбурлаб, уйлантирмайди.

– Нима бўлгандаям, улар мени қўлимда бола билан қабул қилишмайди, – йиғидан ўзини тия олмасди Нуршода. – Шундай бўлган тақдирда ҳам, сизни кечиришмайди, элу юрт, дўст-душман олдида бошлари эгилади.

– Уйдагилар мени бу йил уйлантирмаслиги аниқ. Чунки ҳовлида катта иморат тикляпмиз, – ух тортди Чинали, – бир йўли чиқиб қолар, фақат сен сиқилмаслигинг керак.

– Сиқилмай бўлади-ми? – хуноби ошди Нуршо-



Кўзга яқин, чаққон ва одобли Нуршода вояга етиб улгурмай, совчилар эшик қоқа бошлади. Шу сабаб ўгай онаси «Ота-бола четга чиқиб пул ишлаб келмасаларинг бўлмайди, уй-жойларни яхшилаб, қизингизни узатишимиз керак», деган баҳона билан дадаси билан акасини муҳожирликка кўндирди. Нуршоданинг ҳаётидаги оғир кунлар шундан кейин бошланди.

– Олдимга ўтир, сенга айтадиган зарур гапим бор, қизим! – юзига ярашмаган сохта табассум билан Нуршодага «меҳрибонларча» термилди Клара. – Сени катта ҳаёт кутяпти.

(воқеий ҳикоя)

ҲАЁТНИНГ аचчиқ синовиди

данинг. – Овқатни кўрсам, кўнглим озяпти, хонадош қизларим сезиб қолади. Кейин ким деган одам бўлман. Курсдошларимга нима дейман? Биз катта хато қилдик. Катталардан беркитиб, никоҳ ўқитганимиз жабри бу.

– Бўлди, ўзингни қўлга ол, эртагаёқ бирорта ёлғиз аёл яшайдиган хонадондан «квартира» топаман, – уни қайта-қайта тинчлантиришга ҳаракат қилди Чинали. – Ҳадемай учинчи курсни битирасан. Кейин бир йилга таътил оласан. Фарзандимиз эсон-омон дунёга келганидан кейин, ўқишингни давом эттираверасан, тўйимиз ҳам бўлади.

– Боламизни...

– Боламизни вақтинча яқинларимиздан сир тутиб турамыз. Ҳаммаси изига тушиб кетганидан кейин, биз билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди.

– Гап билан ҳаммасини осонгина ҳал қилияпти, эртага...

– Эртага ҳаммаси зўр бўлади, фақат менга ишон!

Чиналидек оғир кунларида таянч бўлган, вафоли инсонига ишонган Нуршоданинг кўнгли бироз таскин топди. Қизнинг бундан бошқа иложи ҳам йўқ. Чунки уйдан чиқиб кетганидан буён бирорта яқини хабар олган эмас. Дадаси билан акаси беш йилдирки хорихда ишлайди. У тўққиз ёшида онасидан етим қолган. Онажониси Ҳикоят опа муаллима

эди. Оғир дард сабаб ёш оламдан ўтганига қарамай, таъзиясига тумонат одам келганини эслайди. Ҳа, онажонисини қишлоқ аҳли яхши кўрарди. Муштдеккина гавдаси билан айрилиқ заҳмини тортган қизгина, «онажон...», дея бўзлаб қолаверди. Унинг дил дардига ҳеч ким нажот бўла олмади. Кўп ўтмай, бошқа аёлга уйланган Мажид ака гоҳида аламини ичкиликдан олар, ўгай онага кўника олмаётган акаси эса одамови бўлиб қолганди. Отаси ўзини шер кўрсатишга ҳаракат қилса-да, оилани онаси Клара бошқарарди...

билан айёрона ҳал этишга киришди маккора аёл...

Нуршода сездики, ўгай онаси уни яхши гап билан авраб, йўлига солмоқчи. Қўлига аттестати тегиши билан эрга бериб, қутулмоқчи. Аммо қизгина шайтонга дарс берган аёл уни сотиб юбормоқчи бўлганини хаёлига келтирмади. Кўп ўтмай, элликка яқинлашган бўлажак куёв ёнида ҳамроҳи билан меҳмон бўлиб келди ва беҳуш ҳолга келтирилган қизни ярим тунда машинасига юклади...

Узоқ йўл ва машинанинг тоғ йўли ўнқир-чўнқирларида силкиниб ҳаракатланишидан ўзига келган Нуршода дастлаб нима учун машина ичида эканлигини англай олмади. Идроки тиниклашгач, ҳаммасини тушуниб етди: «Ўгай онаси уни сотиб юборган». Айни фурсатда унинг ҳар бир ҳаракати ўзига зиён келтиришини англаб етган иродали қиз кўзини очмаган ҳолда олд ўриндикда суҳбатлашиб кетаётган икки «қароқчи»нинг сўзига қулоқ тутди. Аммо ҳарчанд ҳаракат қилмасин, уларнинг тили қиз учун тушунарсиз эди.

Тонг саҳар икки эркак таомланиш учун машинани тоғ йўлидаги ошхона олдида тўхтатди. Улардан бири орқа ўриндик эшигини очиб, қизнинг ҳолатини бир муддат кузатди-да, қаттиқ уйқуда эканлигига ишонч ҳосил қилгач, шеригининг ортидан ошхона томон юрди. Маълум фурсатдан сўнг аста бош кўтариб, атрофга назар ташлаган Нуршода тонг қоронғисига ҳеч ким кўзга ташланмаганига ишонч ҳосил қилгач, оҳисталик билан машина эшигини очди. Бахтига эшик қулфланмаган экан, сирғалиб пастга тушди-ю, қаддини эгган қўйи йўлни кесиб ўтиб, жарликка дуч келди. Нуршоданинг кўзига қочишдан бошқа ҳеч нарса кўринмас, жарлик тубидаги сой, тиканли қалин буталар, қиррали тошлар унинг учун нажот йўли бўлиб кўринарди. Шу сабаб Нуршода ҳеч иккиланмай, урилиб-сурилиб сой томон интилди. У ним қоронғи бўлишига қарамай, тез ҳаракат қилар, қўллари, оёқларини тирнаётган тиконли буталарга осилиб, уни кўздан пана қиладиган манзилга шошиларди.

Тез ҳаракат ва кўрқувдан вужуди қалтираб турган қиз сой бўйига етиб келди. Орқасидан кимдир қувлаб келаётгандек, юқорига қаради. Ҳозирча «ҳамроҳлари» унинг қочганини сезгани йўқ чоғи, шарпа сезилмади. Бироқ шарқираб оқаётган каттагина сойдан ўтиш мушкул. Бу ерда қолиш ҳам хавфли. Нуршода сой бўйлаб юришда давом этди. Ахир қаердадир ўтиш жойи бўлиш керак-ку. У янглишмаганди, кўп ўтмай, омонатгина тахта кўприк кўзга ташланди. Кўприқдан ўтган қиз илон изи сўқмоқдан юқорига ўрмалади. Тепага чиқиб, дам олувчиларнинг палаткаларига дуч келди.

Шу фурсатда қизнинг йўқолганини англаган икки эркак, уни топиш учун одам ёллаганди. Бу пайт тонг ёришиб қолган, юраги гурсуллаб ураётган Нуршода палаткалар панасида туриб, ўзи келган томондан кўз узмасди. Ана, икки эркак, бир йигит билан жарлик ёнига келди, пастдаги сой ва даранинг у томонидаги дам олувчилар палаткаси томон узоқ термилди. Сўнг биттаси палаткалар томонга қўлини бигиз қилиб, ёнидаги йигитга нималарнидир тушунтирди. Қизни топишга ёлланган йигит, ўша заҳоти жарликдан сой томон шахт ила ҳаракат бошлади...

(Давоми бор)

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

УЧ СИФАТНИ ЎЗИДА ЖАМЛАГАН

ДИЛШОД



@Vatanparvagazetasi_bot
"Vatanparvar" birlashgan tahririyati
bilan bog'lanish uchun telegram bot

SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI



Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни ҳамда «Vatanparvar» газетаси чоп этила бошлаганининг 31 йиллиги ҳам тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан тахририятимиз ҳақида бир-икки оғиз сўз айтсак, нокамтарлик бўлмас.

Мамлакат мудофаа сиёсати, қўшинлар фаолияти, ҳарбий таълим, таъминот масалалари, халқаро ҳарбий ҳамкорлик, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, ҳуллас, миллий армиямизга тааллуқли мавзуларда қалам тебратиб келган ижодий жамоамиз Ватан ҳимоячилари билан бир сафда хизмат мажбуриятларини ҳамда ижодий ишларини шараф билан адо этиб келишмоқда.

Бирлашган тахририятимизда қалами чархланган, ҳарбий публицистикада ўз ўрнини топган ходимлар талай. Расмий тадбирларда ва бошқа учрашувларда, айниқса, журналистлар ўртасида ўтказиладиган турли танловларнинг тақдирлаш маросимларида кўпчилик бизга ҳавас қилишини очиқ эътироф этади. Бунинг боиси бор, албатта. Масалан... «Vatanparvar»нинг ўндан ортиқ ходими давлат мукофотлари билан тақдирланган. Яна ўнга яқини Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси ҳамда Журналистлар уюشمаси аъзоси. Танловлар ғолибларининг саноғи... анча.

Бундан бир муддат илгари касбдошларимизнинг 3 нафари «фалсафа доктори» илмий даражасини олиш учун тадқиқот олиб бораётганлиги ҳақида хабар берган эдик. Улардан бири тахририятимизнинг қўшинлар билан ишлаш бўлими катта муҳбири катта лейтенант Дилшод Рўзиқулов «Ўзбекистонда ҳарбий журналистикада ахборот интеграциясининг назарий ва амалий хусусиятлари» мавзусида докторлик (PhD) диссертациясини ёқлади.

Дилшод изланувчан, тиришқоқ, бир ишни бошласа, охирига етказадиган ёш ҳарбий журналист. У хизмат топшириқлари юзасидан узоқ ва яқин гарнизонларга тез-тез сафар қилишига қарамай, танлаган мавзуси, яъни ҳарбий журналистикада ахборот интеграциясининг назарий ва амалий хусусиятлари бўйича жиддий изланди, мавзунини чуқур таҳлил қилиш учун кўпдан-кўп китоблар ва архив ҳужжатларини бирма-бир қўлдан ўтказди. Бир неча дафтарларни фикр-мулоҳазалар, саволлар, хулосалар билан тўлдирди. Ниҳоят, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида мустақил изланувчи катта лейтенант Дилшод Рўзиқулов илмий жамоатчилик ва устозлари олдида ўз ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети илмий кенгашининг навбатдаги мажлисида Дилшод Рўзиқуловнинг PhD дис-



Abbos SHOYIMOV

сертацияси ҳимоясида унга филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиши учун юз фоиз овоз берилди.

Уч бобдан иборат диссертацияда тадқиқотчи ҳарбий журналистика ахборот интеграцияси жараёнлари ҳақида фикр юритар экан, қуроли тўқнашувлар тўғрисида конвергент нашрларда ахборот узатиш муаммолари, Ўзбекистон армиясининг хорижий медиа-ларда ёритилиши, ахборий интегратив шароитда янги ва анъанавий жанрлар, ҳарбий медиада матн тили ва услубиятини матбуот ва электрон ахборот воситалари материаллари орқали чуқур таҳлил қилади. Мамлакатимизда ҳарбий журналистикани ахборот интеграцияси жараёнлари контекстида илмий ўрганиш, мустақил Ўзбекистоннинг мудофаа сиёсатида ҳарбий ОАВнинг ўрнини тадқиқ қилиш, ҳарбий соҳани ёритишга ихтисослашган оммавий ахборот воситаларини қиёсий таҳлил қилиш, қуроли тўқнашувларда, интегртив ахборот мақомида ҳарбий журналистика самарадорлигини таъминловчи омилларни аниқлаш, республикамиз армиясининг медиамақондаги имижини

очиб бериш муҳим аҳамиятга эга, дея хулосага келади.

– Мен ишлаган мавзу, яъни замонавий ҳарбий журналистиканинг тараққиёт тенденциялари дунёда, хусусан, МДҲ мамлакатларида, АҚШ, Шимолий Африка ва Европа давлатларида илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Бизда мавзуга доир амалга оширилган тадқиқот ишлари – ҳарбий журналистикада ахборот интеграцияси масалалари, Ўзбекистон армиясининг интегртив медиамақондаги имижини юксалтириш муаммолари, замонавий ҳарбий журналистиканинг тараққиёт йўллари илмий жиҳатдан концептуал ўрганилмаган. Бу эса принципиал жиҳатдан янги ҳарбий журналистика ҳамда зиддиятли вазиятлар, ҳарбий тўқнашувларда фаолият олиб борадиган, тинчликни барқарор таъминловчи мудофаа салоҳиятини оширишга замонавий ёндашадиган ҳарбий журналист кадрлар шаклланиши ва ихтисослашуви заруратини юзага келтиради, – дейди филология фанлари бўйича фалсафа доктори катта лейтенант Дилшод Рўзиқулов.

Уч сифатни ўзида жамлаган – ҳам журналист, ҳам ҳарбий, ҳам олим Дилшод Рўзиқуловни эришган ютуғи билан самимий қутлаймиз. Демак, нашрларимиз обуначилари ва ўқувчиларининг ҳарбий мавзудаги ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида у бундан кейин таъбир жоиз бўлса, «қамишдан бел боғлаб» ёзишни бошлайди.

Қаламингиз бундан-да ўткир бўлсин, Дилшод!

Эскартма: Шу кунларда яна икки ҳамкасбимиз – «Vatanparvar» бирлашган тахририяти бўлим бошлиғи подполковник Гулнора Ҳожимуродова «Ўзбекистонда ҳарбий PR-коммуникациялар: мазмуни, йўналишлари, самарадорлиги масалалари» мавзусида, бўлим катта муҳбири катта лейтенант Бобур Элмуродов «Жасорат» феноменини шакллантиришда ўзбек эпик дostonлари: структуравий-функционал ёндашув» мавзусидаги PhD диссертацияси ҳимоясига тайёрланмоқда. Ўйлаймизки, йил охиригача тахририятимизнинг илмий салоҳияти ҳам бир неча баробарга ортади. Яхши соатларда хабар қиламиз, насиб.

Фурқат ЭРГАШЕВ

VATANPARVAR

MUASSIS



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

general-mayor Hamdam Qarshiyev
polkovnik Otabek Yuldashev
polkovnik Alisher Boboxonov
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriq qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Gazeta Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 260-29-41
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: podpolkovnik Gulnora Hojimurodova

Sahifalovchi: Begali Eshonqulov
Musahhih: Sayyora Mirzayeva

Buyurtma: G-0605
Hajmi: 6 bosma taboq
Bichimi: A3
Adadi: 33 656 nusxa
Bosishga topshirish vaqti: 14:00
Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga "O'zbekiston" NMU mas'ul.

Gazeta juma kuni chiqadi. Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.
Bahosi: kelishilgan narxda.

"O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:
100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.